A
nomidagi
O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

32 (516) ● 2018 йил 15 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ҲАР БИР ТАРМОҚ, ҲУДУД ВА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ўтган ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 64 миллиард долларлик 849 лойиҳа рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 456 тасини 2018 йилда, 125 тасини 2019 йилда, 268 тасини истиқболда амалга ошириш белгиланган.

Президентимиз жорий йилда 5 миллиард 800 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу борада тартиб-интизом ва самарадорликни таъминлаш мақсадида жорий йилга белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун нафақат Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва тармоқ идоралари раҳбарлари, балки Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмиталар раислари ҳамда Президент давлат маслаҳатчилари шахсан масъул этиб бириктирилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири барча инвестиция лойиҳаларига умумий раҳбарлик қилиш билан бирга, 144 та лойиҳа, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари 18 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишига бош-қош бўлади.

Йиғилишда инвестицияларни жалб этиш бўйича ижро натижаси қониқарсиз экани қайд этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳажми 7 фоизгагина етган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлсак, мисол учун, Хоразмда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қиймати атиги 10 миллион долларни ташкил этади. Бу мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичдир.

Йиғилишда қайси раҳбар қандай инвестиция лойиҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ҳолати бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

2-бет

Фракция хаёти

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН 46,5 МИЛЛИАРД СЎМ НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА САРФЛАНМАЯПТИ?



Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маблағ билан бевосита боғлиқ. Бунда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни мақсадли йўналтириш ва ўз вақтида ўзлаштириш муҳим ўрин тутади. Давлат бюджети маблағлари асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса энг аввало, аҳоли ҳаётида, одамларнинг турмуш тарзида акс этиши лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисида"ги ҳисобот шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Тақдим этилган ҳисоботга партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

3-бет

Робита

"ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН..."

Ўзбекистон заминида турли халқлар меҳр-оқибат, қардошлик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаб келмоқда. Бугунги кунда бағрикенгликнинг буюк тарихий анъаналарига монанд 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакилларининг виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланган.

Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари орасида тожиклар ҳам борлиги, икки халқнинг дўстлиги, анъана ва урф-одатлари, эътиқоди, яшаш тарзи, ҳаётий қарашларида муштараклик мавжудлиги тарихий, адабий, илмий-маърифий манбалардан яхши маълум. Устоз Рудакийнинг дўстлик тўғрисидаги мисралари худди шу ҳақда ёзилгандек:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий "турку тожик" иборасини ишлатган бўлса, Абдулла Орипов ва Ўлмас Жамол "ўзбегим тожик билан" сўзларини нафис шеърга айлантирганлар. Тожикистон халқ шоири Боқи Раҳимзода шеърларидан бирида хорижда ўзбек ва тожикни бир-биридан асло ажрата олмасдан, ҳамиша "биродар, сиз ўзбекми ё тожик?" деб мурожаат этиши хусусида ёзган эди.

Аслида ҳам ўзбек ва тожик халқларини бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки халқ азалдан қуда-анда, қариндош-уруғ, дўсту биродар бўлиб келган, энг оғир дамларда елкадош, қувончли кунларини бирга баҳам кўрган.

Бу жиҳатлар Абдураҳмон Жомий ҳамда ҳазрат Навоий ўртасидаги ўзаро меҳр, самимият, қадрдонликка йўғрилган устоз-шогирдлик муносабатларида ҳам яққол намоён бўлади. Манбаларда келтирилишича, буюк шоир бобокалонимизнинг Жомийга ҳурмати шу даражада баланд эдики, у "Хамса"нинг барча достонларида, шу билан бирга, "Насоим ул-муҳаббат", "Мажолис ун-нафоис" ва бошқа кўплаб асарларида устозининг эзгу фазилатларини чин дилдан таърифу тавсиф этади. Навоий ҳурмат билан устозини "Ҳазрати Маҳдум", "Маҳдуми Нуран" деб фахрли нисба билан атаган. Унинг асарлари илк ўқувчиси ва мунаққиди ҳам Навоий бўлган. Ўз навбатида Абдураҳмон Жомий ҳам Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани тарихий манбалардан яхши маълум.

5-бет

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИГА АЙЛАНМОҚДА

Халқимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган миллий истиқлолнинг тарихга айланган йигирма етти довонига разм солар эканмиз, чидам ва ирода, умид ва ишонч билан дадил ташланган ҳар бир қадамда тикланиш ва янгиланиш нафаси, ўзимизга хос ва мос фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги курашлар машаққати, бутун дунё тан олаётган ютуқларимиз асоси кўз олдимизда намоён бўлади. Истиқлол йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз мустаҳкамланди, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг шу йил 28 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш ва нишонлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарорга биноан, бу йилги истиқлол шодиёналари **"Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!"** деган улуғ шиор асосида кенг нишонланади. Бу улуғвор ғоя ўзбегимнинг буюк неъмати бўлган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш замирида халқимизни бирлаштиришга, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

3-бет

Газетада чоп этилмаса ҳам...

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ, АММО...

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ҲАР КИМНИНГ ЎЗИГА ТАН

Таҳририятимизга Жиззах вилояти Арнасой тумани "Зарафшон" қишлоқ фуқаролар йиғини Абай кўчасида истиқомат қилувчи Оязимхон Хидирова шикоят хати йўллаган. Хатда унинг раҳбарлигидаги "Жаҳонгирбек агрофирмаси" масъулияти чекланган жамиятига қарашли ер майдонидаги экинлар буздирилаётганидан норозилиги баён қилинган. Хусусан, туман ҳокими, прокурори, ички ишлар бўлими бошлиги, сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари ва бошқалар фермернинг хўжалик ҳудудидаги ер майдонига қовун экишга йўл бермаётгани, ҳеч қандай хат-хужжатсиз, тендер ўтказмасдан ер майдони олиб қўйилгани баён этилиб, амалий ёрдам сўраган.

Таҳририят юқорида баён этилган масалаларни ўрганиш юзасидан Жиззах вилоят ҳокимлигига хат юборди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Холматовдан мазкур ҳолат бўйича ўрганишлар натижалари баён қилинган жавоб хати келди. Унда таъкидланишича, фуқаро О.Хидированинг ер майдонидаги экинлар буздирилганидан норози бўлиб қилган мурожаатини Арнасой туман ҳокимлиги масъул ходимлари ўрганиб чиққан. Ўрганиш жараёнида шикоят эгаси раҳбарлик қилаётган "Жаҳонгирбек агрофирмаси" масъулияти чекланган жамияти 2018 йилда 19 гектарга ғалла, 67,3 гектарга пахта, 22,6 гектарга сабзавот, 26,9 гектарга полиз, 3 гектарга картошка етиштириш режалаштирилгани маълум бўлди.

6-бет

Миллий гурур

СУКУНАТДАГИ ОВОЗ

ШАХМАТ БЎЙИЧА ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ СИРОЖИДДИН ЗАЙНИДДИНОВ ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА БЕРГАН ВАЪДАСИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ



Устоз Ғафур Ғулом бир сўзида олимларга: нега сизлар Сўфи Оллоёрни ўрганмайсизлар, бир нимаси бўлмаса Бобораҳим Машраб уни излаб юрармиди, дея танбеҳ берган экан.

Шоир ва академик лутфини андак ўзгартирсак. Дейманки, нега бизлар шахмат устаси Сирожиддин Зайниддинов мактабини чуқур ўрганмаяпмиз? Бир нимаси бўлмаса шатранж ўйинининг моҳирлари бўлмиш ака-ука Синдоровлар ундан таҳсил олармиди?

...Куни кеча Сирожиддин Англиянинг Манчестер шаҳрида заиф эшитувчилар ўртасида бўлиб ўтган шахмат Олимпиадасида чемпион бўлиб қайтди. Сезиб турибман: ҳали газета ва журналлар, ижтимоий сайтлар чемпион ҳақидаги мақола ва хабарларга тўлиб кетади. Биз уловга илдамроқ қамчи урдик.

8-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
32 (516) 2018 йил 15 август, чоршанба

ҲАР БИР ТАРМОҚ, ҲУДУД ВА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни вақтида ва сифатли бажариш, янгиларини ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди. Бунинг учун жадвал асосида ҳар ҳафта ҳудудларга чиқиш, лойиҳа ташаббускорлари билан алоқада бўлиш ва уларнинг муаммоларини аниқлаш, автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш, жойларда халқаро инвестиция форумларини ўтказиш лозим.

— Лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини автоматлаштирилган тизимга ўтказмас эканмиз, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлай олмаймиз. Бу тизим тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритаётган инвесторларга амалий кўмаклашиши, уларнинг ишини осонлаштириши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ой охирида Жиззахда халқаро инвестиция форуми ва Товар ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмасини ўтказиш кўзда тутилаётганини қайд этар экан, мазкур тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун барча чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир вазирлик, ҳокимлик ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўзи масъул бўлган тармоқ, ҳудуд ва соҳа бўйича махсус тақдимотлар тайёрлаб, ушбу форумда намойиш қилиши, мамлакатимизнинг хориждаги элчихона ва ваколатхоналари бундай анжуманларда қатнашиш учун камида 4-5 тадан салоҳиятли инвесторларни топиши керак.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хорижий давлатларга қилган хизмат сафарлари натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Аввал берилган топшириққа мувофиқ, Ишчи гуруҳ томонидан бу борадаги ишлар ўрганилгани, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор тизимли муаммолар аниқлангани қайд этилди. Ушбу ҳудудларда фармацевтика, электротехника ва машинасозлик соҳасида кенг имкониятлар мавжуд бўлса-да, асосан, қурилиш материаллари ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари билан чекланилгани танқид қилинди. Юқори технологик тармоқларга асосланган лойиҳалар бўйича ҳеч қандай таклиф киритилмаган.

Кўпчилик делегация аъзоларининг мақсадли дастури бўлмагани, чет элликларга ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти бўйича аниқ маълумотлар берилмагани, айрим келишувлар қоғозда қолиб кетаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, жорий йилнинг март ойида Бельгияга борган Наманган вилояти делегацияси Норин туманида 200 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини ташкил этиш бўйича 3 миллион долларлик лойиҳа келишувини имзолаган. Бироқ, орадан 5 ой ўтганига қарамасдан, уни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай иш бошланмаган.

Инвестиция қулай муҳитни талаб қилади. Мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Лекин вазирлик ва идораларда, ҳокимликларда бугунги кун, яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган инвестициявий стратегия йўқ, яъни ташаббускорлик кўзга ташланмаяпти.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги маҳаллий делегацияларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари олдидан ташрифнинг мақсади, таклиф этилаётган лойиҳалар ва кутилаётган амалий натижалар бўйича тақдимот ўтказиш тартибини жорий этиши зарурлиги таъкидланди. Хизмат сафарида эришилган келишувлар бўйича "йўл хариталари" ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ҳамда қатъий ижро этиш, тармоқ ва йўналишларни назарда тутувчи Инвестициявий стратегия лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли иҳодий ва таълим тўгараклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидоий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

педагог ходимларнинг қадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

2. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши (А.Н.Арипов):

вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этсин, уларнинг самарали ишлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин;

таълим-тарбия соҳасида қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари:

а) 2018 йил 1 сентябрдан:

бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга;

юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача;

директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

б) 2019 йил 1 январдан:

олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга;

биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга;

иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга;

мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга;

директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қуйидагича белгилансин:

250 нафаргача — 1 штат бирлигида;

250 нафардан 800 нафаргача — 1,5 штат бирлигида;

800 нафардан 1600 нафаргача — 2 штат бирлигида;

1600 нафардан 3000 нафаргача — 2,5 штат бирлигида;

3000 нафар ва ундан ортиқ — 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун базавий тариф ставкалар 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўгарак машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик юкламалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой муддатда:

ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзшаҳарқурилишинвест" ва "Қишлоққурилишинвест" инжиниринг компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида дастлабки бадали 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдорида кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидаги ходимлар учун ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари беришни молиялаштириш бўйича махсус жамғармани ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қуйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин:

кредитни бериш муддати — 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил муддатга;

дастлабки бадал суммаси — сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;

кредит учун фоиз ставкаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда.

"Ўзавтосаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказишда фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларни ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018-2020 йилларда педагоглик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи "Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари"ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда "Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари"нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали хулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медалларни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

олтин медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралиқ, якуний назоратлари, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

кумуш медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аъло баҳоларга ўқиганлиги, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва кумуш медаль билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилиши борасида мавжуд аҳволни ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингида 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филиал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмасдан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ҳамда аниқ таклифлар киритсин.

16. Қуйидагилар тақиқлансин:

халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва штатлар сонини мақбуллаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар бўйича дарс соатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан таклиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А.А.Абдувахитов ва Қ.К.Куранбаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 август

Фракция хаёти

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН 46,5 МИЛЛИАРД СЎМ НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА САРФЛАНМАЯПТИ?



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Дилшод Сатторов ахборот берди.

Таъкидланганидек, Президентимиз тармоқлар ва ҳудудларда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, ҳудудларни комплекс ва жадал ривожлантириш борасида белгилаб берган устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликни ва Давлат бюджетини белгиланган параметрларда ижросини таъминлаш имкониятини яратди. Иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш, замонавий ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар экспорт ҳажмининг муайян тарзда кўпайишига, ички бозорни арзон, сифатли, харидоргир маҳсулотлар ва товарлар билан тўлдиришга, аҳоли харид қобилиятининг ортиши, жаҳон бозорида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этилди. Буларнинг эвазига ҳисобот даврида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 153 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,9 фоизга ўсган ва аҳоли жон бошига ҳисобланганда 4 миллион 653 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 фоизга ошган. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги, хусусан, солиқ маъмуриятчилигини ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2018 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилиб, 144,3 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилган.

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларга 18 триллион 378,5 миллиард сўм, яъни Давлат бюджети харажатларининг 55,7 фоизи йўналтирилди. Шундан таълим соҳасига 9 586,9 миллиард сўм ажратилди. Бу маблағ асосан мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришга сарфланади. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса 4 триллион 178,8 миллиард сўм ажратилган. Шунингдек, фан, маданият, спорт ҳамда ижтимоий нафақалар учун ҳам муайян маблағлар йўналтирилган. Фракция аъзолари бундай ҳолат партия дастурий вазифалари билан уйғун ва муштарак эканлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилгани натижасида шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойлар барпо этиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш имкони кенгайгани алоҳида эътироф этилди. Ҳудудлар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 162,2 миллиард сўм ажратилган бўлиб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилди.

Фракция аъзолари муҳокамалар чоғида асосий эътиборни партия дастурий вазифаларига мос равишда маданий мерос объектларини сақлаш, инвентаризациядан ўтказиш, давлат рўйхатига олиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари ҳамда туризм соҳасига йўналтирилаётган бюджет маблағларига қаратдилар. Тақдим этилган ҳисоботга кўра, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга жорий йилда 46,5 миллиард сўм ажратилган. Аммо шу пайтга қадар ушбу маблағларнинг 17,5 миллиард сўми ўзлаштирилган, холос. Депутатлар бунинг сабаби билан қизиқдилар: нима учун ажратилган бюджет маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилмаяпти? Ҳудудларда эътиборталаб, хароба ҳолда ётган маданий мерос объектларини таъмирлаш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, уларни кўркам туризм манзилларига айлантириш ишларига сарф этилмаяпти?! Бу борадаги ишларни амалга оширишда нега Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги талаб даражасида ҳаракат қилмаяпти?

Маданият вазирлиги вакиллари фракция аъзоларининг бу каби саволларига кўплаб объектларнинг смета ҳужжатлари кечикканлиги боис маблағлар ўзлаштирилмай қолганини сабаб сифатида кўрсатди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлар 5 минг 300га яқин маданий мерос объектининг ҳолатини ўрганиб, уларни давлат рўйхатига олиш ишларини якунига етказди ва маълумотлар Маданият вазирлигига тақдим этилди, — деди партия етакчиси С.Отамуратов. — Аммо Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги аслида ўз зиммасида бўлган ушбу вазифаларни бажаришга етарлича эътибор қаратмаяпти. Фракциямиз ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида маданий мерос объектлари учун маблағларни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратади, таклифлар беради. Шу асосида ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бир пайтлар тарихий обида-ю қадамжоларни таъмирлашга маблағ йўқлиги важ қилиб кўрсатилар эди. Энди маблағ бор, аммо ундан мақсадли фойдаланишда сусткашликка йўл қўйиляпти. Буни қандай изоҳлаш мумкин!? Соҳага йўналтирилаётган бюджет маблағлари ўз вақтида, самарали ўзлаштирилиб фойдаланилса, юртимизнинг бетакрор тарихий-маданий-маънавий меросини янада кенг тарғиб қилиш имкони юзага келади, уларга бўлган қизиқиш янада ортади. Бу, ўз навбатида, туризм ривожига ҳам хизмат қилади.



Депутатлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидландики, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида ҳақиқатан ҳам бюджет маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилмагани ва мақсадли йўналтирилмаётгани оқибатида кўплаб масала-муаммолар ўз ҳолича қолиб кетаётир.

Фракция аъзолари маҳаллий бюджетлар мустақиллиги таъминлангани натижасида уларнинг даромадлари йилдан-йилга ошиб бораётганига эътибор қаратдилар. Масалан, 2016 йилнинг иккинчи чорагида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча маблағлар 37,3 миллиардни, 2017 йилнинг иккинчи чорагида эса 134, 2018 йилнинг биринчи чорагида 874, иккинчи чорагида 841,6 миллиард сўмни ташкил этган. Бундан кўринадики, маҳаллий бюджетлар даромади ошиб, бунинг натижасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга аҳамият қаратилаётир.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари Ҳукумат тақдим этган ҳисоботларни қўллаб-қувватлаган ҳолда мамлакат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор қаратдилар. Қизғин баҳс-мунозара ҳамда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Халқ вакили фаолиятидан

Бугун Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ҳамда "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ", "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурлари доирасида барча ҳудудда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилоти ва депутатлари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда.

ДЕПУТАТ 17 ЙИГИТ-ҚИЗНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШДИ

Буни ЎзМТДП Янгибозор туман кенгаши фаоллари ҳамда халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Партия гуруҳи аъзоси Сардор Эгамов "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ижроси юзасидан тумандаги Ҳайват, Шоирлар, Барҳаёт ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллаларга масъул этиб тайинланган. Депутат мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган 14-30 ёшли 3 минг 30 нафар ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини ўрганди. Бандлиги таъминланмаган йигит-қизлардан 17 нафарини ишга жойлаштиришга, 6 нафарига сабзавот ва бошоқли экинлар экиб деҳқончилик қилиши учун ҳудуддаги фермер хўжаликларидан 1 гектардан ер ажратилишига кўмаклашди.

Халқ вакили Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада бўлганида 33-уйда истиқомат қилувчи, 1991 йилда туғилган Достон Тоҳиров уйида қорамол боқиш учун имконият борлиги, лекин маблағи йўқлиги боис бунинг иложини тополмаётганини билдирди. Депутатнинг саъй-ҳаракати билан бу муаммо тезда ечим топди — Достон Тоҳировга қорамол сотиб олиши учун 5 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилди. Ёш йигит ва унинг оила аъзолари ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари ташкил қилиб, йигит-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган ушбу Давлат дастурининг ўз ҳаётидаги ифодасидан мамнун.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва шу асосда аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтиришда "Обод қишлоқ" дастури муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу дастур доирасидаги ишлар Янгибозор туманида ҳам жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Жумладан, 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи Очақалъа маҳалласида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Маҳалладаги барча хонадонда ичимлик суви, газ ва электр энергияси таъминоти яхшиланмоқда, 13 километрдан зиёд ички йўллар таъмирланаяпти, 2,5 километр йўлга асфальт ётқизилаётир. Дастурда белгиланган ишларнинг ўз муддатида бажарилишида ЎзМТДП Янгибозор туман кенгаши аъзолари ҳам фаол қатнашмоқда.

— Очақалъа кундан-кун обод қишлоққа айланмоқда, ҳудуд кўркамлашиб, кўчалар таъмирланиб, тунги чироқлар ўрнатилди, — дейди партия туман кенгаши раиси Қодирберган Болтаев. — Маҳалладаги барча уйнинг фасад қисми таъмирланиб бўялди. Асфальт қилинаётган йўл бўйлаб алоҳида пиёдалар йўлаги бунёд этилмоқда. Тез кунларда минимаркет, аёллар ва эркаклар гўзаллик салонлари, тикувчилик ателъеси, ўқув маркази, китоб дўкони, дорихона ва ҳаммомни бир жойда жамлаган маҳалла гузари ишга туширилади. Бу маҳалла аҳлининг турмуш маданиятини юксалтиришга, уларга қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади. Биз партия фаоллари ҳам унга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ҳамда "Обод қишлоқ" дастури ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлар ҳам камарбаста бўлаётганлиги сиёсий куч сифатида унинг давр билан ҳамқадам эканлигини намоён этади.

Алишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИГА АЙЛАНМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мана шундай улуғ кунларда ҳар биримиз ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган натижаларимизни, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни холисона таҳлил ва сарҳисоб қилишимиз лозим. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш борасида илгари сураётган илғор ғоялар, устувор йўналишлар ва улкан вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга, айниқса, ёшларимизга етказиш, уларни амалга оширишда фаол бўлишимиз талаб этилади.

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни жадал тараққий этаётган, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларига эришаётган, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшиланаётган, ҳаёт даражаси изчил юксалаётган мамлакат сифатида эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган, бугун ўзининг мукаммал ва самарали йўл эканини исботлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар халқимизнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Бу борада "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб ғоя изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотнинг йўлга қўйилгани уларни дарду ташвишлардан халос қилиш, муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражаси сифатини ошириш имкониятларини яратмоқда.

Шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб жараёнларга қарамасдан мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли, изчил ва чуқур ислоҳотлар иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни таъминламоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун **"Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда".**

Биргина иқтисодиёт соҳасини олсак, ўтган икки йиллик қисқа даврда миллий валютамиз — сўмнинг эркин конвертациясини жорий қилиш, солиқ ва бюджет сиёсатини мутлақо янги асосда қуриш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, улар фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишларни бекор қилиш каби ўта салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Тадбиркорлик соҳасига оид тизимли ислоҳотлар уни мутлақо янги асосда ташкил этиш, янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишнинг янги имконини очиб берди.

Бу борада саноатни ривожлантиришнинг янги имкониятлари ишга солинаётгани, ҳудудларнинг хомашё ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланган ҳолда уларнинг жадал ва комплекс ривожланиши таъминланаётганлиги диққатга сазовор. Айниқса, жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган илғор корхоналарни кўпайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати юритилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун, шу йилнинг ўзида инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурлари доирасида 2 минг 612 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, жами 6 миллиард 850 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни ўзлаштириш белгиланган, шундан 4,9 миллиард доллари хорижий инвестициялар, 2,6 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялар эканлиги эътиборга молик.

Мамлакатда замонавий ишлаб чиқариш ташкил этилаётгани ҳамда изчил ривожланаётгани, экспорт ҳажмининг тобора ортаётгани, аҳоли харид қобилиятининг муайян тарзда кўпайиб бораётганлиги ялпи ички маҳсулот ҳажми ортишини таъминламоқда. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 4,9 фоизга ўсган. Айни вақтда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 30,6 фоизга етгани, хизматлар соҳаси улуши 45,3 фоизга тенг бўлгани ривожланган давлатлардаги мос кўрсаткичлар тенденцияларига яқинлашаётганлигини, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғрилигини кўрсатади.

Халқимиз бугун ислоҳотлар самарасини ўз даромадларининг изчил ортиб бораётганида, яшаш шароитлари ва стандартларининг янги даражага кўтарилаётганида ҳис этаётир. Ҳаёт даражасини белгилайдиган замонавий уй-жойлар ва сифатли истеъмол товарларига эга бўлиш билан бирга, уларнинг замон талаблари асосида таълим олиш, малакали тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиш каби ҳаётий эҳтиёжлари учун ҳам шароит ва имкониятлар кенгайтирилмоқда. Якка-ёлғиз нуронийлар, кам таъминланган, турмуши оғир ва кўп болали оилалар ҳамда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, уларни уй-жой билан таъминлаш, моддий аҳволини янада яхшилаш мақсадида "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш" дастури, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари амалга оширилаётганлиги халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яққол намунасидир.

Булар, ўз навбатида, адолатли жамият барпо бўлиши, унда соғлом муҳит қарор топиши, одамларнинг розилиги ва олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишига замин бўлмоқда. Ҳа, давлатимиз раҳбарининг **"буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз"**, деган ҳаётбахш эзгу ниятлари бугун ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бугун амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни таҳлил қилар эканмиз, барча соҳада мукаммал тизим яратилаётганига, индустриал давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишга илдам қадамлар билан яқинлашаётганимизга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позицияси янада мустаҳкамланаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мазкур ислоҳотларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, электорати вакиллари ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда.

Партиянинг яқинда бўлиб ўтган Пленумида 2017 йилнинг 12 июлида давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталари, барча даражадаги депутатлар ва сенаторлар, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ғоялар ва белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг биринчи ярмида олиб борилган ишлар яна бир бор танқидий таҳлил қилиниб, партия фаолиятини янги поғонага кўтариш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бугун партиямиздан сайланган парламент аъзолари олдида ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мукаммаллаштириш, қонун нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилиш каби вазифаларни рўёбга чиқариш масаласи устувор бўлиб турибди.

Олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда депутатлар корпуси нафақат ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва қонунлар ижросини назорат қилиш, балки ҳудудларда мавжуд муаммолар ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этишимиз лозим. Асосий эътиборни уларнинг келиб чиқиш сабабларига, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларга, уларни бартараф этиш борасида ҳукумат, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳокимликлар ва мутасадди идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар кўриш, бу борада парламент назоратини янада кучайтиришга қаратишимиз жоиз. Жойларда бўлганимизда давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда бевосита иштирок этишимиз, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда ҳудудларни ривожлантиришда фаолликни янада оширишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар бир инсонни амалий ишларга сафарбар этади, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг келажаги йўлида бирлаштиради.



Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

МУАММОЛАРНИ ҲЕЧ КИМ ЧЕТДАН КЕЛИБ ҲАЛ ҚИЛМАЙДИ

ЁХУД ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ ВА ЮТУҚЛАР ХОТИРЖАМЛИК УЧУН ЕТАРЛИ ЭМАС

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан сўнг мавжуд тўртта сиёсий партия фаолияти тубдан ўзгарди, ортиқча тадбирбозликлардан воз кечилиб, аниқ, амалий ишларга ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти ҳам янги босқичга кўтарилиб, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари сайловолди Платформада белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, сайловчи ишончини оқлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ва муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



депутатларимиз тегишли хулоса чиқариши, партия ва аҳоли манфаатларини ўз фаолиятининг мазмунига айлантириши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган вазифалар асосида ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолияти ҳам анча такомиллаштирилди. Жумладан, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида турли фанлар бўйича 18 ўқув курси очилиб, унда 109 йигит-қиз бепул таълим олмоқда. Хусусан, Ховос туманида 5, Сайҳунобод туманида 3, Гулистон, Янгиер ҳамда Ширин шаҳрида 2 тадан ўқув курси очилган. Аммо бу борадаги ишлар барча ҳудудда ҳам кўнгилдагидек эмас. Хусусан, мазкур лойиҳа доирасида партия Боёвут ва Гулистон туман кенгашлари ёшлар билан ишлашда имкониятлардан самарали фойдалана олмаган. Партия ташкилотлари ўқув курсларига кўнгилли ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиш билан бирга, ўқувчилар сонини ҳам оширишга аҳамият қаратиши зарур. Чунки жойлардаги уюшмаган ёшларни аниқлаб, ўқув курсларига бириктириш, фойдали машғулотларга жалб этиш муҳим масала. Бу борада партия туман кенгашлари давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим бўлади.

Яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП вилоят кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишларида партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ярим йиллик фаолияти танқидий таҳлил этилди. Таҳлиллар натижаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги жами 1 минг 118 депутатимиз сарҳисоб даврида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тарғиб қилиш, депутатлик назоратини ўрнатишда самарали ишларни амалга оширганини кўрсатди. Жумладан, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига 166 масала киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 тага кўпдир. Партия гуруҳлари вакиллари қонун ва қарорлар ижроси ҳамда фуқаролар мурожаатлари асосида 3,5 мингга яқин депутатлик сўровини амалга оширган. Қолаверса, 512 мансабдор шахснинг ҳисоботлари тингланган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 111 тага ошган. Бир сўз билан айтганда, қай бир йўналишга назар ташламанг, ўтган йилларга нисбатан икки-уч баробар кўпроқ натижага эришилган.

Сарҳисоб даврида ЎзМТДП Сирдарё вилоят ташкилотлари ва партия гуруҳлари ҳам партиянинг маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлардаги дастурий мақсад-вазифалари асосида муайян ишларни амалга оширди. Аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўлишга, бунда вакиллик органларига партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда партия ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари аҳоли манфаатларини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ишларда камарбаста бўлаётир, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби Дилобар Каттабекова. — Ҳисобот даврида депутатларимиз қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли мутасаддиларга 456 депутатлик сўровини юборди. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессиялар кун тартибига 9 та масала киритиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришди. Масалан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг жойлардаги ижросини ўрганиш, Гулистон туманида болалар спортини ривожлантириш ва ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини намунали ташкил этиш, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Сайҳунобод туманидаги ижросини таҳлил этиш, Ширин шаҳрида 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қай даражада амалга оширилганини ўрганиш каби бир қатор ташаббус-масалаларни илгари суриб, сессия қарори асосида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борди. Бироқ доимий комиссияларга таклифлар киритиш, мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш борасидаги ташаббуслар анча суст. Бу борада барча вакилларимиз ҳам ўз ваколатларидан унумли фойдалана олмади. Бундан айрим депутатлар ҳам ўз ваколатларини ўрганиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар ўз вақтида ҳал бўлишига хизмат қилади.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун манбаи — халқ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишида қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозимлигини таъкидлаган эди. Парламент аъзолари шундан келиб чиқиб, жойлардаги ўрганишлари давомида парламент кўйи палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг таклиф-мулоҳазаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИККА ТАКЛИФЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳудудлардаги фаолияти мобайнида аҳолини янги қонун лойиҳалари моҳияти ва аҳамияти билан таништиришда фаол иштирок этаётир. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоевнинг Наманган вилоятидаги ўрганишлари давомида янги таҳрирдаги "Уруғчилик тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

Тўрақўрғон туманининг "Исвахон" ва "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида, Наманган туманидаги Бешкапа болалар санаторияси, Косонсой туманидаги "Ширинбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ва Учқўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактабининг Ахборот ресурс марказида ўтказилган тарғибот тадбирларида қонун лойиҳаларини тарғиб қилиш билан бирга, аҳолининг таклифлари, фикр-мулоҳазалари тингланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳаси тарғиботига қаратилган давра суҳбатларида фуқаролар ушбу ҳужжат лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Жойларда ногиронлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва тартибга солишда ушбу қонун лойиҳаси муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Қонун қабул қилиниши билан ногиронлиги бўлган шахсларга қонунчиликда белгиланган шароитларни яратиб бермаган мутасаддиларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш орқали муаммолар бартараф бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, давра суҳбатларида микроқарз бериш ваколати тижорат банкларига ўтиши масаласини назарда тутувчи айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам аҳолининг қизиқишларига сабаб бўлди. Фуқаролар микроқарз бериш ваколати тижорат банкларига ўтиши муносабати билан ажратилаётган микроқарзларни мақсади кўрсатилмаган тарзда ҳам бериш мумкинлигини қонунга киритиш таклифини билдирди. Чунки бугунги кунда турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолига аниқ мақсадлар асосида кредит берилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу кўп ҳолларда айрим муаммоларни вужудга келтирмоқда. Туманлардаги тижорат банкларидан шахсий мақсадлар учун кредит олишнинг имкони йўқ. Шу сабабли микроқарз тушунчасига "мақсади кўрсатилмаслиги мумкин" деган сўзларни киритиш таклифи илгари сурилди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги "Уруғчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ҳам қатор таклифлар билдирилди. Фуқаролар қонун лойиҳасининг 12-моддасидаги Қишлоқ хўжалиги ҳамда Сув хўжалиги вазирликларининг ваколатларини қайтадан кўриб чиқишни, уларнинг ваколатларига кирадиган масалаларни янада аниқлаштириб белгилаш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, уруғликларни сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш бўйича давлат органлари таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ҳам киритиш ва уларнинг ваколатларини кенгроқ очиб бериш таклифи билдирилди.

— Биз қонун ижодкорлари ҳар бир муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик иштирокида такомиллаштиришимиз лозим, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Одамларнинг муносабатини уларнинг ичида туриб, улар билан бирга юриб ўрганиш натижасида қабул қилинган қонунлар тўлақонли, ҳаётий ва халқчил бўлади. Шу маънода жойлардаги фаолиятимиз давомида бугунги кунда муҳокама қилинаётган қатор қонун лойиҳалари бўйича фуқароларнинг турли таклиф ва мулоҳазаларини ўрганганимиз айни муддао бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиевнинг Навоий вилоятидаги ўрганишлари давомида ҳам муҳокамадаги қонун лойиҳалари бўйича маълумот берилди, уларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйида ташкил этилган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбатида "Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва етим болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

— Оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиб бериш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Ушбу қонун лойиҳаси бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Унда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва етим болаларнинг алоҳида ҳуқуқлари кафолатланишини белгилаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, соғлиғини тиклаши, уй-жой билан таъминланиши ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишига оид меъёрлар ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, қонун лойиҳасида бундай болаларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашда юридик хизмат ва суд ҳимояси каби тушунчалар киритилиб, янги механизмлар жорий қилиш таклиф этилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида муҳим асос бўлади.

Давра суҳбатида иштирок этган вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, вилоят васийлик ва ҳомийлик кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда ЎзМТДП вилоят кенгаши вакиллари ҳамда фуқаролар қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Шунингдек, тадбирда бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Вилоятда вояга етмаган, қаровсиз қолган ўсмирлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва уларнинг профилактикаси юзасидан тегишли мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун ижроси доирасидаги чора-тадбирлар ҳамда мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

— Халқ таълими бошқармасининг ҳудудий васийлик ва ҳомийлик кенгаши томонидан 2017 йил ва 2018 йилнинг олти ойи давомида 247 бола ҳисобга олинган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси васийлик ва ҳомийлик кенгаши масъул котиби Жаҳонгир Қаландаров. — Уларнинг 5 нафари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги болалар уйларига, 30 нафари Меҳрибонлик уйларига, 148 нафари васийликка, 40 нафари ҳомийликка олинган бўлиб, 24 нафари васийлик ва ҳомийлик кенгашининг тегишли хулосалари асосида Фуқаролик ишлари бўйича судлар қарорлари билан фарзандликка берилди. Соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ва тартибга солишда "Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва етим болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида васийликка берилган болаларнинг яшаш тарзини мониторинг қилишнинг самарали усуллари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг олий таълим муассасаларига кириши ва ўқиш жараёнлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар билдирилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг жойларда олиб бораётган бу каби фаолияти аҳолининг муаммолари ҳамда қонунчиликка таклифларини ўрганиш, шу асосида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия аъзолари нима дейди?

АҲОЛИ АМАЛИЙ ИШЛАРГА ҚАРАБ БАҲО БЕРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишини талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак", дея таъкидлаган эди.

Демак, партия кенгашлари аъзолар ва электорат сонини кўпайтириш учун, энг аввало, фаол бўлиши, халқ ишончини қозона олиши керак. Депутатлар янада кўп ташаббус кўрсатиши, аҳоли эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қатъият билан ёндашиши зарур.

Ҳар бир партия сайлов жараёнига кирар экан, ўз электорати ва сайловчиларини шакллантириб, Ҳаракат дастури, мақсад-вазифалари орқали уларнинг орзу-мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўпчилик аҳоли манфаатларини ҳимоялаш баробарида давлат ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлайди. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда.

Хусусан, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашидаги партия аъзолари сони 1 июль ҳолатига кўра, 16 минг 846тани ташкил этади. Улар ўз манфаатлари партия мақсад-вазифалари билан ўзаро муштарак эканлигини дилдан ҳис этишади. Бу борада вилоятнинг Навбаҳор туманидан аъзо бўлган партиядошларимиз фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Туманимиздаги мавжуд партия ташкилотлари вакиллари аъзо бўлиш учун таклиф қилишганида, аввало, партиялар фаолияти, уларнинг ташаббусларини ўрганиб чиқдим, — дейди Навбаҳор туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Журъат Жўраев. — Натижа шу бўлдики, ҳудудимиз аҳолиси орасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг нуфузи баланд экан. Ким билан гаплашмай, ЎзМТДПнинг амалий ишларидан сўз очади. Шунда менда ҳам партияга ишонч ва аъзо бўлиш истаги пайдо бўлди. Айни пайтда партия аъзосиман.

Журъат Жўраев ЎзМТДПга аъзо бўлганидан буён ўз фаолиятидаги кўп муаммолар ижобий ечим топгани, бу билан кўпчиликнинг манфаати таъминлангани ҳақида тўхталди:

— Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида вилоят соғлиқни сақлаш тизимида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги борасида муҳим топшириқлар берган эди, — дея суҳбатимизни давом эттиради Журъат Жўраев. — Уларни амалга ошириш зиммамиздаги муҳим вазифа ҳисобланади. Жумладан, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази фаолият олиб бораётган бинони таъмирлаш масаласи ҳам ана шундай муаммолардан бири эди. Марказ бундан 20 йил аввал қурилган бўлиб, унда 2 бўлим, 8 бўлинма, 3 лаборатория хонаси мавжуд. Айни пайтда мазкур хоналар, айниқса, лабораториялар мукаммал таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Тозалик ва озодалик масканининг бу ҳолатда бўлиши ачинарли, албатта. Шу боис партия аъзоси сифатида, энг аввало, ЎзМТДП вакилларидан кўмак сўрадик — халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фахриддин Ражабовга ёзма мурожаат қилдим. Депутат мурожаатни бефарқ қолдирмай, мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқди. Сўнгра ушбу масала халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши сессиясида атрофлича муҳокама этилиб, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида туман ДСЭНМ биносини тўлиқ ва мукаммал таъмирлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Натижада маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бинони таъмирлашга 204 миллион сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда марказ биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Тўғриси, ушбу маблағнинг ажратилишига, бино таъмирланишига кўпчилик ишонмаган эди. Сабаби ўтган даврда депутатлар тўғрисида гап кетганда, "улар сессияда қўр тўкиб ўтириш-у, қўл қўтариб, бор нарсани тасдиқлашни билишади, холос", деган тушунча шаклланган эди. Аммо депутатлар ташаббуси билан мурожаатимизнинг ижобий ечим топиши нафақат марказимиз ходимлари, балки туманимиз аҳолисининг ҳам партияга, депутатга бўлган ишончини янада оширди. Ишхонамизда ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотини туздик ва айни пайтда унинг 51 аъзоси бор.

Тумандаги "Қуш қочди" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Шаҳло Эгамова ҳам ЎзМТДП фаолияти ҳақида ўз фикрларини айтиш истагини билдирди:

— Юртбошимизнинг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги фармони бугун қишлоқлар қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Бизнинг маҳаллада ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш, атроф-ҳудудларни тартибга келтириш бўйича самарали иш олиб борилаяпти. Бу ерда халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Элёр Йўлдошев қурилиш-таъмирлаш ишларига бош-қош бўлиб, аҳоли билан ёнма-ён туриб фаоллик кўрсатмоқда. Ҳудудимизда янги маҳалла биноси, ҳаммом, ўйингоҳ, болалар боғчаси ва 4-умумтаълим мактабининг 240 ўринли қўшимча биноси қурилмоқда. Йўл ва ичимлик суви борасидаги муаммоларимиз ҳам тез орада ечим топиш арафасида.

Депутатимиз шу йилнинг ўтган даврида турли ташкилотларга 6 депутатлик сўрови юбориб, ижобий ҳал қилишга эришди. Айниқса, 8 коллеж битирувчисига имтиёзли кредит олиб беришга, 50 га яқин фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашгани таҳсинга лойиқ. Улар орасида фарзандим Жавоҳир Ибодуллаевнинг ҳам борлиги бизни янада мамнун этди.

Дарҳақиқат, депутат халқ вакили сифатида аҳоли, электорат вакиллари манфаатларини илгари суриб, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилса, ташаббускор бўлса, кўпчилик дардини ўз дардидан устун деб билса, одамларнинг ишончини қозонади. Бу эса партия аъзолари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

Робита

"ДЎСТУ ҚАРДОШДИР АЗАЛДАН ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН..."

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шеъриятнинг 16 хил жанрида ижод қилган Навоийнинг сўз мулкининг султони, деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу пайтгача дунё адабиётида улуғ мутафаккир бобомизчалик бирон ижодкор ўз ижодида кўп ва хўб сўз ишлатган эмас. Бир қанча тилларни мукаммал билган шоир "Фоний" тахаллусида форс тилида ёзган шеърларидан девон тузган. Зуллисонайн — икки тилда асарлар ёзиш анъанаси вужудга келган. Икки тилли шоир ва ёзувчилар рўйхатига Увайсий, Нодирабегим, Фазлий, Ажзи, Айний, Ҳамза, Фитрат, Беҳбудий ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Маълумки, Ғафур Ғулом Мирзо Турсунзода ва бошқа бир қанча тожикистонлик шоир ва адиблар билан дўст тутинган. Тожиклар сўз ўйини билан "Турсуни шумо — Ғуломи мо" яъни "Сизнинг Турсунингиз — бизнинг Ғуломимиз" иборасини ишлатганлар. Ғафур Ғулом шеърларидан бирида:

Она тилиси тожик,
Аммо ўзбекдир ўзи.
Отаси фарғоналик,
Модараш аз Бадахшонлик,

— деб ёзган эди.

Шу ўринда бир ҳаётий воқеа ёдга тушади. 1981 йили севимли адибимиз, устоз Пиримқул Қодиров билан учрашганимда болалик хотираларини эслар асносида у киши ўқиган мактабда алоҳида ўзбек ва тожик синфлари мавжуд бўлганини айтган эди. "Қисқа вақт ичида, — деган эди устоз, — мўъжаз кутубхонадаги ҳар икки тилда ёзилган барча бадиий китобларни ўқиб чиққанман. Оила аъзоларимиз ҳар икки тилни билгани учун уйимизга тожик миллатига мансуб меҳмон келса, унинг тилида мулоқот қилар эдик. Тожик оғайнимизникига борсак, улар ҳурмат юзасидан биз билан ўзбек тилида гаплашарди". Устознинг бу сўзларидан хулоса шуки, Ўзбекистон ва Тожикистондаги кўп мавзеларда ҳар икки халқ ўртасида асло таржимоннинг кераги йўқ, чунки улар ҳар иккала тилни бирдек яхши билган.

Азалдан Мовароуннаҳр ва Хуросонда яссавийхонлик, хофизхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик тўгарак (маҳфил) ва мактаблари бўлган. Суҳбатлар, маросимлар, тўю хашамлар, баҳсу мунозаралар ўзбек ва тожик тилларида олиб борилган. Деярли кўпчилик аҳоли, айниқса, зиёлилар ҳар иккала тилни мукаммал билган, икки халқ бир-бирининг суҳбатидан маънавий озуқа олган. Қуръони Карим, ҳадислар, Рўза байрами, Қурбон ҳайити, Наврўз байрами, Шашмақом ҳар икки халқ учун бирдек ардоқли ва мўътабардир. Ҳофизу бахшилар, созанда-ю машшоқлар, ўзбек ва тожик тилларида хиргойи қилишлари билан бирга ширу шакар, яъни матни икки тилда яратилган қўшиқларни ижро этадилар. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев ҳамда Тожикистон халқ артисти Жўрабек Муродовнинг ижодий фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ва умуман, ҳар икки мамлакат — Ўзбекистон ва Тожикистонда бирор бир машҳур ёзувчи, шоир, драматург, рассом, бастакор, актёр йўққи ҳар икки тил ва халқларимизнинг маданияти, санъати, менталитетини билмаса...

Қизиқ томони шундаки, форс-тожик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рудакий Туронда, ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйган беназир шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий Хуросонда таваллуд топган. Демак, бундан англашиладики, маданиятлар, цивилизациялар кесишган жойда, улар ҳамкорлик қилган мавзеларда буюк сиймолар, олиму уламолар, фан ва давлат арбоблари, мутафаккирлар етишиб чиқиши, шубҳасиз. Ва динлараро бағрикенглик ҳам бундан истисно эмас.

Бугун наинки халқимиз, дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг халқчил ва истиқболли янги йўли бераётган натижаларга гувоҳ бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг хорижий давлатларга расмий ташрифлари доирасида имзоланаётган ўзаро ҳамкорлик шартномалари, турли битим ва келишувлар халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлишига, мамлакатнинг умумий ривожига хизмат қилмоқда. Бунга кейинги қисқа муддат ичида тамомила янгиланган, янгича маъно ва моҳият касб эта бошлаган Ўзбекистон-Тожикистон алоқалари мисол бўла олади. Сўнгги вақтларда икки мамлакат ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик алоқалари сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви, маданият, санъат ва бошқа соҳалар вакилларининг ижодий, қўшма тадбирлари амалга оширилди. Муносабатларнинг илиқлашуви натижасида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида бир нечта чегара ўтказиш пунктлари қайта очилди ва 2017 йилнинг апрель ойидан бошлаб илк бор тўғридан-тўғри авиарейслар ҳам тикланди.

Азалдан бир дарёдан сув ичиб келаётган, ҳосил даласи ва яйловлари бир-бирига туташ, бир-бирига елкадош, тақдирдош, тарихи умумий, маданий ва диний қадриятлари муштарак, урф-одатлари бир-бирини тўлдирувчи халқлар бугун бир-бирига янада яқинлашди, ўртадаги сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Чегара туманларида яшовчи фуқароларнинг анча йиллардан бери узилиб қолган борди-келдилари йўлга қўйилди, бир-биридан узоқлашган оилаларнинг бағри тўлди. Яна Рудакийни ёдга оламиз:

Ҳар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,
Аччиқроқдир доно дўстдан айрилиқ.

Йигирма йиллик вақт давомида Ўзбекистон ва Тожикистон аҳолиси бир-бирларидан айрича яшади. Бундан, албатта, оддий халқ, оддий инсонлар азият чекди. Шу вақт давомида оилалар, қариндош-уруғлар бир-бирларидан хабар ололмади, алоқалар узилиб қолди...

Ўзбек ва тожик халқлари ҳамиша бир-бирига елкадош бўлган, суянган. Вақт синовидан ўтган ушбу дўстлик ришталари кейинги йилларда янада мустаҳкамланмоқда. 2018 йил 9-10 март кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга илк давлат ташрифи бутун мамлакат бўйлаб олқишланди. Душанбеда бўлиб ўтган ўта самимий, илиқ учрашувда 17 йил давомида амалда бўлган виза тартибини бекор қилишга келишиб олинди. Келишувга асосан тожикистонлик ва ўзбекистонлик фуқаролар бир-бирларининг мамлакатларида 30 кун давомида визасиз бўлишлари мумкин. "Бундай кунларнинг келишини халқларимиз кўп йиллар давомида кутган эди", — деди Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон. Бунга жавобан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: "Мамлакатларимиз ўртасида ҳал қилинмаган муаммолар қолмади", деб таъкидлади.

Хулоса шуки, асрлар ўтди, замонлар эврилиб, тузумлар ўзгарди. Бироқ, халқларимизнинг азалий дўстлик анъаналари барқарор қолди. Бинобарин, халқларимиз ўртасида янги босқичда ривожланаётган бу каби дўстона алоқалар амалий мазмун билан янги босқичда бойиб бораётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Раҳмон ФАРМОНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун

Давлат хизматлари агентлигида фуқароларга ва тадбиркорларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, соҳага инновацион янгиликларни кенг жорий этиш, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида турли мамлакатлар тажрибасини мунтазам равишда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА



Ҳозирга қадар Англия, Германия, АҚШ, Канада, Австралия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва ва бошқа давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, Австралия ва Канаданинг давлат хизматлари электрон тизими таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра маълумотномалар тайёрланиб, уларнинг ижобий тажрибасини жорий қилиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида Адлия вазирлиги ҳамда Агентлик ташаббуси билан халқаро ташкилотлар вакиллари билан йигирмага яқин учрашувлар ташкил этилди. Жумладан, 2017 йил декабрь ойида Буюк Британиянинг "National school of Government International" ташкилоти ҳамда Туркия халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш бўйича агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан ўтказилган учрашувларда мамлакатимизда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш юзасидан фойдали таклифлар ўртага ташланди.

Хусусан, шу йилнинг январь ойида АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлигининг (USAID) Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Гари Роббинс, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси координаторлари, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Эдуард Стипрайс, Сеул шаҳри мэрияси делегацияси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Фушими Кацутоши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) нинг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Жон Мак Грегор ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сон Сонг Иль билан бўлиб ўтган мулоқотлар самарали кечди.

Февраль, март ойларида "Рақамли Марказий Осиё — Жанубий Осиё" ("Digital CASA") лойиҳаси бўйича Пол Валлери бошчилигидаги Жаҳон банки вакиллари, Буюк Британия элчихонасининг Марказий Осиё бўйича ҳудудий дастури менежери Нил Мартин, БМТ Болалар жамғармаси ижтимоий сиёсат бўлими бошлиғи Юлия Олейник билан уюштирилган учрашувларда ҳам давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига татбиқ этиш мумкин бўлган янгиликлар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Июнь ойида БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси кўшма лойиҳа иштирокчилари, Қозоғистон Республикасининг давлат хизматлари ва антикоррупцион ишлар бўйича агентлиги раиси А. Шпекбаев ва Қозоғистон Республикаси элчиси Е.Утембаев, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сон Сонг Иль билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган учрашувларда аҳолига давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш, бу бўйича ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш учун таклифлар ишлаб чиқиш, маблағ ва грантлар жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилди.

Шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатларнинг давлат хизматлари кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш мақсадида Агентлик ходимларининг Сингапур, Вьетнам, Хитой, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон ва Россия давлатларига хизмат сафарлари уюштирилди.

Хизмат сафарлари мобайнида ушбу давлатларнинг давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолияти чуқур ўрганилиб, улардаги ижобий тажрибаларнинг айрим жиҳатларини мамлакатимизда татбиқ этиш юзасидан тегишли таклифлар тайёрланди.

Жумладан, 2-9 май кунлари Сингапур ва Вьетнамга, 22 апрель – 12 май кунлари Хитой Халқ Республикасига, 21-23 май кунлари Қозоғистон Республикасига хизмат сафарлари жараёнида ўрганилган илғор тажрибалар давлат хизматлари марказлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Агентлик қатор хорижий ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликларни йўлга қўяётгани келгусида тизимда ижобий натижаларга эришиш мумкинлигидан дарак беради.

Музокаралар натижасида Туркия халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш бўйича агентлиги (ТИКА) кўмагида мамлакатимиздаги давлат хизматлари марказларига 20 та "ИСУЗУ" русумли автобус мобиль давлат хизматларини жорий этиш мақсадида грант маблағлари асосида харид қилинди.

Буюк Британия элчихонасининг кичик грант маблағлари лойиҳаси ишга туширилиб, Буюк Британиянинг "Companies house" платформасини ўрганиш натижасида Ўзбекистонда "Ягона юридик шахслар реестри"ни такомиллаштириш мақсадида грант маблағлари ажратилмоқда.

Бундан ташқари, Жаҳон Банкининг "Рақамли Марказий Осиё — Жанубий Осиё" ("Digital CASA") ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқи қўшма лойиҳаси доирасида грант маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига техник кўмаклашиш маблағлари ва грантларни жалб қилиш масалалари бўйича зарур таклифлар ишлаб чиқилиб, тақдим этилди. Бунинг натижасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) лойиҳаларини ишга тушириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан Давлат хизматлари агентлигига тажриба алмашиш учун волонтёр ва экспертларни жалб қилиш, Агентлик ходимларини Кореянинг етакчи ихтисослашган муассасаларида малака ошириш, семинар ва тренингларга қатнашишга юбориш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Булардан кўзланган асосий мақсад — аҳолига сифатли ва тезкор, замон талабларига мос давлат хизматлари кўрсатиш, одамларнинг қимматли вақти ва маблағини тежашга кўмаклашиш, давлат идораларига бўлган ишончларини мустаҳкамлашдан иборат.

Айнура СМАИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими

Қарор ва ижро

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР — ЮРТ БОЙЛИГИ

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро багрида ёки изғирин-аёзда баланд тоққа чирмашиб чиқиб бораётган одамларга кўзингиз тушса, ажабланманг. Улар ерда ўсадиган ҳар бир гиёҳ ниманингдир даракчиси экани, қуйи қатламларда қандай бойликлар борлиги, тупроқ шунчаки оёқ остидаги майда-майда зарралар йиғиндиси эмаслигини яхши англайди. Бу касб эгалари замин багридаги бойликлар жилосини ҳис этган, давлатнинг фойдали қазилмалар захирасини бойитиш мақсадида юрган геологлардир...



Геологлик — қадимий касб. Ўтмиш кончилик ишларининг бизгача етиб келган излари, қолдиқлари, тарихий-археологик маълумотлар Марказий Осиё ҳудудида ҳатто эрамиздан олдин ҳам кончилик ва қазилма бойликларидан фойдаланиш маълум даражада ривожланганини кўрсатади. Бундай излар Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Молгузар, Қурама, Чотқол ва Нурота тоғларида кўп учрайди.

Ўша даврлардаёқ олтин, кумуш, мис, темир, симоб сингари қазилма маъданларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш анча ривожланган. Қазилма бойликлар хусусиятларини ўрганиш мобайнида геология фани ҳам ўз-ўзидан ривожланиб борди. Энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний астрономия, математика, физика, география ва бошқа фанлар қатори геология фани билан ҳам жиддий шуғулланган. Абу Али ибн Сино "Китоб аш-шифо" асарида геологияга доир муҳим назарий масалаларга ечим топган. Асарда тоғ жинсларининг хусусиятлари баён этилиб, маълум даражада классификация қилинади. Ибн Синонинг геология соҳасидаги яна бир кашфиёти шундаки, у чўкма тоғ жинслари (гилмоя, қум, қумтош ва ҳоказолар)нинг пайдо бўлишида денгиз ва дарё сувларининг таъсири катта эканлигини исбот этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йилнинг 13 ноябрида геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ва қимматбаҳо металлар ресурс базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилган эди. Унда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолияти самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги фабрикалар қуриш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ соҳада янги тизим яратилди.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, кончилик муносабатларини бошқариш, минерал-хомашё базасини жадал ривожлантириш ва қайта тўлдирилишини таъминлаш, хомашёнинг янги турлари ва конларини қидириш, геология-қидирув ишларига замонавий услуб ва юқори технологияларни жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тасарруфидаги "Зарафшон" геология қидирув экспедицияси давлат корхонаси ҳам белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритаётир. Бугун корхонада мингдан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Тизим ходимлари юртимизнинг шимолий ва жанубий Нурота тоғ тизмалари, Навоий, Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятлари кенгликларида жойлашган табиий бойликларни қидириш, чамалаш, захираларни ҳисоблаш каби ишлар билан шуғулланади. Корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, саломатлигини тиклаши учун зарур шарт-шароит яратиш корхонанинг асосий эътиборидаги масалалардан бири. Тизимда меҳнат қилаётган мутахассисларни уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам қатор вазифалар ижросига киришилган.

Бугунга келиб "Зарафшон" геология қидирув экспедицияси давлат корхонаси муҳандис-техник ходимларининг мамлакатимиз хомашё базасини кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракати, фидокорона меҳнати натижасида олтин, вольфрам, олмос, темир, марганец каби камёб металлар, норуда фойдали қазилма конлари очилди. Захиралар ҳисобланиб, саноат корхоналарига фойдаланиш учун топширилаётир.

— Корхонамиз табиий бойликлар конлари захирасини аниқлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва уларни фойдаланишга топширишда мамлакатимиз миқёсидаги етакчи корхоналардан бири саналади, — дейди корхона бош директори Холмўмин Ҳайитов. — Ноқулай об-ҳаво, оғир меҳнат шароитига қарамай геологларимиз юртимиз тоғлари, кенгликларида ястаниб ётган табиий бойликларни қидириш, чамалаш, захираларни ҳисоблаш ишларини жадал суръатларда олиб бормоқда. Бунда, албатта, замонавий техника, бурғилаш асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланяпмиз.

Корхонанинг биргина Навоий вилоятида фаолият олиб бораётган геология-қидирув экспедицияси ходимларининг изланишлари, тадқиқотлари натижасида кейинги йилларда Марказий Қизилқум худудида бир қанча кон аниқланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Навоий вилоятига ташрифи чоғида Нурота туманидаги ГМЗ-6 қурилиши ҳақида алоҳида тўхталиб, табиий бойликлар юртимиз келажагини таъминловчи асосий воситалардан бири ҳисобланишини таъкидлаган эди. Айни пайтда бу ердаги Пистали кони, Олтин диёр участкалари очилиб, яна кўплаб табиий бойликларни топиш, захирасини аниқлаш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Самарқанд тоғ-кон ҳудудида жойлашган экспедициялар Маржонбулоқ олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонаси учун хомашё базасини кенгайтириш устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу борада, айниқса, Зармитан геология-қидирув экспедицияси эришаётган натижалар ўз самарасини бераётир. Улар 2016-2017 йиллар давомида шу пайтгача ҳисобланган олтин захираларининг бир неча баробарга кўп эканини аниқлаб, Чормитан маъданли майдони олтин захиралари ҳам истиқболли эканини исботлади. Геологларнинг саъй-ҳаракати билан Ғужумсой олтин захираси конларида ҳам янгидан-янги йўналишлар аниқланди. Мавлон, Қоровулхона-Қорабош олтин конларида чамалаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Жиззах вилоятида топилган ва захиралари ҳисобланган бир қанча олтин конлари Маржонбулоқдаги заводнинг муқобил ишлашини таъминлаяпти. Бундай конлар, шубҳасиз, юртимизда ҳали тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Зиммаларидаги ана шундай масъулиятли вазифани чин дилдан ҳис этган геологлар куну тун меҳнат қилаётир.

— Давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантириш бўйича геологлар олдига аниқ вазифалар белгилаб берди, — дейди корхона бош геологи Собиржон Неъматуллаев. — Олтин, кумуш, гипс, оҳак, оҳактош, мармар, мис, кварцли қум, доломит конлари ҳамда калийли минерал ўғитлар захираларини излаб топиш бўйича аниқ тизимли, 2018-2021 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, экспедициямиз 15 та кон ва участкада манзилли ишлар олиб бормоқда. Экспедиция томонидан давлат дастури асосида қўйилган вазифалар, яъни республика олтин захираларини кенгайтириш режалари муваффақиятли бажарилиб, бурғулаш, оғир турдаги ер ости лаҳмларини қазиш ишлари бўйича белгиланган режа ортиғи билан бажарилмоқда.

Дарҳақиқат, бобо деҳқон ер билан тиллашса, геолог замин бағридаги ҳар бир зарра билан тиллашади. "Зарафшон" геология қидирув экспедицияси давлат корхонасининг муҳандис-техник ходим, геологлари ҳам замин билан тиллашиш ҳадисини олган. Уларнинг заҳматли меҳнати билан диёримиз бағридаги қимматбаҳо маъданлар, табиий бойликлар кашф этилмоқда. Геологиянинг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатаётган ўнлаб, юзлаб мутахассислар ҳам мамлакатимиз қазилма бойлигини кўпайтиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
32 (516) 2018 йил 15 август, чоршанба

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ўзбекистон заминида қадим ва бой тарихимиз ҳақида далолат берувчи минг-минглаб кўҳна маскан ва обидалар мавжуд. Дунёдаги аксарият халқлар бу борада бизга катта ҳавас билан қарайди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 3 февралда имзолаган "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ҳам инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион гоя ва технологияларни жорий этиш билан бирга мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама унумли фойдаланиш ҳисобига мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

"ОҚТЕПА"НИНГ "ҚОРА"СИ

ЁХУД ҚАДИМ ТОШКЕНТНИНГ ЭНГ КЎҲНА ОБИДАСИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИНМОҚДА



Аммо биз ҳар доим ҳам ана шу бебаҳо мероснинг қадрига ета олаяпмизми? Уни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш бўйича етарли иш олиб боряпмизми? Бу борада ҳали ишга солинмаган салоҳият кўп бўлса-да, афсуски мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани ҳам, қанчалар аччиқ бўлмасин, айни ҳақиқат.

Тошкент шаҳридаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар ҳудудда зиёрат туризмини жорий этиб, нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай ёдгорликлардан бири — Юнусобод туманида жойлашган Оқтепа археологик ёдгорлиги.

Тошкент ўтмишига оид энг кўҳна ёдгорликлардан бири бўлган бу обида ўрнида V асрда қалъа — шаҳар қад ростлаган. Чоч ҳукмдорининг ташқи қароргоҳи бўлган бу шаҳарчада ҳунармандлик, меъморлик ва боғдорчилик ривожланган. Аҳолининг аксарият қисми меҳнат ва жанг қуроллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланган. Бу ердаги археологик қазишмалар давомида Чочнинг илк ўрта асрларга оид турли моддий-маданий буюмлар, металлдан ишланган меҳнат қуроллари ва қурол-аслаҳалар, шиша ва сопол идиш-товоқлар, безаклар, ўйинчоқлар ҳамда тангалар топилган. Майдони 100 гектарни ташкил этган. VII асрга келиб араблар истилоси натижасида қалъа вайронага айланган.

1980-1990 йилларда ушбу объект ҳудудида йирик археологик экспедиция ишлари олиб борилган бўлиб, у ердан 300дан ортиқ ноёб тарихий буюмлар, осори-атиқалар топилган.

Мана шу қаровсиз харобалар остида тарихимизнинг ҳали очилмаган кўплаб сирлари пинҳон ётибди. Манбаларда айтилишича, қўрғон атрофида баланд, мустаҳкам девор бунёд этилган ва атрофи сув билан ўралган. Қўрғонга кўприк орқали ўтилган. Буларнинг ҳаммаси ота-боболаримиз юксак шаҳарсозлик маданиятига эга бўлганидан далолат беради. Юнусобод Оқтепаси шаҳарнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланган. Ўтган асрнинг 40-йиллари сўнггида қазилма ишлари олиб бориш бошланган. Кўплаб қадимий тангалар, жанг аслаҳалари, сопол идишлар топилган. Улар ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондида сақланади. Мазкур тепалик республикада аҳамиятга молик маданий мерос объекти сифатида рўйхатга олинган. Бироқ...

Юнусобод Оқтепасининг айни пайтдаги ҳолати кўнгилни хижил қилади. Унинг тарихий кўринишидан асар ҳам қолмаган. Тепалик атрофи чиқиндихонага айланган, тозалаш ишлари эса йўлга қўйилмаган. Чиқиндиларни у ердан олиб кетиш ўрнига жойида ёқиб юбориш афзал кўрилган. Бу ёдгорликнинг номига мутлақо тўғри келмайдиган "қоратепа"га айланишига сабаб бўлган, десак хато бўлмайди.

Бугун тепалик ҳудудида аҳоли ноқонуний хўжалик ишларини олиб бормоқда. 10-15 йил давомида ёдгорлик ҳудудида аҳоли учун турар жой бинолари қуриб берилган. Айни кунларда ҳам бундай қурилиш ишлари давом этмоқда. Шу боис тарихда 100 гектар ер майдонини эгаллаган объект атрофидаги ҳимоя зонаси умуман қолдирилмай, ҳудуди кундан-кунга қисқариб кетган. Бугун унинг майдони атиги 10 гектарни ташкил қилади. Ҳудудида экилган дарахтлар қуриб, шох-шаббалар ер бағирлаб ётгани унинг атрофида истиқомат қилувчи фуқароларнинг "маҳоратими" ёки табиат инжиқликларининг оқибатилигини биламан "ушбу маданий мерос объекти ва унинг атрофини асраб-авайлаш тарихий хотирани тиклаш билан баробар эканини ҳар бир фуқаро англаса, ғорлик тўлиқ ташландиқ ҳолга тушиб қолган. Кўзига бугунги кундан бошқа ҳеч нарса кўринмайдиган, фақат ўзининг тор манфаатларидан бошқасини ўйламайдиган мутаассиблар ҳам, аҳоли ҳам уни чор томондан ишғол қилиб, аёвсиз вайрон қилиб, ўзбошимчалик билан эгаллаб келаётгани ачинарлидир.

— Юнусобод Оқтепаси маданий мерос объектининг тарихий аҳамияти юксак ва у сайёҳлик имкониятларини ошириши мумкинлиги билан аҳамиятли, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси мутахассиси Шавкат Музаффар. — Инспекциямиз вакиллари ушбу ёдгорлик бўйича археолог олимлар билан ҳамкорликда мониторинглар ўтказиб туради. Тан олиб айтиш керак, салкам 10 гектар майдонни эгаллаган мазкур ёдгорлик узоқ вақт эътибордан четда қолган эди. Бир неча йиллардан буён археология объекти атрофида аҳоли деҳқончилик, боғбончилик ишлари билан шуғулланмоқда. Айни пайтда археологик тепаликни муҳофаза қилиш бўйича режалар ишлаб чиқиш кун тартибида турибди. Бугунги кунда маданий мерос объектининг мулкчилик ҳуқуқини қайта кўриб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилган. Мутахассислар Юнусобод Оқтепаси археологик ёдгорлигини тиклаш бўйича лойиҳа-таклифлар тайёрлаган. Ўйлаймизки, лойиҳа амалга ошса, тарихий ёдгорлик ўз қадр-қимматини топади. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар, зиёратчилар учун эътиборга молик масканлардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Юнусобод Оқтепаси 1500-2000 йиллик тарихга эга бўлиб, дунё мамлакатларининг айрим жойларидагина узоқ йиллар давомида сақланиб қолган бундай тарихий мерос — археологик ёдгорликни учратиш мумкин. Таклифимиз — мазкур ёдгорликнинг ҳолатини яхшилаш учун объектни тўлиқ давлат муҳофазасига олиш зарур. Унинг ҳудудида ободонлаштириш ва археологик ишларни олиб бориш, объект деворларини қайта тиклаш ва туристик маршрутга киритиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Газетада чоп этилмаса ҳам...

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ, АММО...

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ҲАР КИМНИНГ ЎЗИГА ТАН

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Аниқланишича, О.Хидирова экинларни контурлар кесимида жойлаштиришга умуман риоя этмаган. 2018 йили "Жаҳонгирбек агрофирмаси" МЧЖга қарашли тупроқ шароити яхши, чигит қадалиши лозим бўлган 74,1 гектар майдонга ўзбошимчалик билан кунгабоқар экиб юборган. Аксинча, асосан сабзавот-полизчилик учун ажратилган ҳосилдорлиги 15 центнердан кам бўлган 23,2 гектар ерга эса чигит қадаган. Режада кўрсатилмаган ҳосилдорлиги паст майдонларга чигит экилиши натижасида ғўзанинг маълум қисми сийрак униб чиққан, катта қисми эса умуман униб чиқмаган.

Яна бир жиҳат: ғалла майдонларига дон сифатсиз экилгани борасида фермер кўп маротаба огоҳлантирилганига қарамасдан зарур агротехника тадбирлари амалга оширилмаган. Натижада ғалла тўлиқ қолоқ ҳолатга келиб қолган. Шунингдек, О.Хидирова раҳбарлик қилаётган "Тоғда ўсган гуллола" фермер хўжалиги ғалла майдонида биринчи ва иккинчи суғориш ишлари умуман амалга оширилмаган, ғалла учун ажратилган минерал ўғитлар ерга солинмагани сабабли ғалла ривожланишдан орқада қолган. Пахта экиш учун ажратилган тупроқ шароити яхши бўлган 30 гектар майдоннинг 9,1 гектарига қовун экиб юборилган, аксинча, сабзавот-полизчилик учун ажратилган ҳосилдорлиги паст ер майдонларига чигит қадалгани оқибатида умумий пахта майдонининг 8,3 гектари сийрак униб чиққан, қолган 21,7 гектар майдонда ғўза умуман униб чиқмагани аниқланган.

Шикоят хати муаллифининг туман ҳокими номига шахсан ўзи ёзган аризасига биноан унга тегишли бўлган ер майдонининг маълум қисми туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган. Шу сабабли чигит экилиши лозим бўлган 30,6 гектар майдон қаровсиз қолиб кетмаслиги учун ҳудуддаги тажрибали, пахта-ғалла режасини мунтазам равишда бажариб келаётган "Қўқон қуёши" ва "Қосим Охун" фермер хўжаликларига тендер танловига қўйилгунга қадар суғориш ва парваришлаш ишларига ҳашар йўли билан вақтинчалик қараб туриш учун бириктирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддаси талабларига кўра, ер тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал этилишини инобатга олиб, О.Хидировага мазкур масалада белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлиги маълум қилинган. Ушбу мурожаатни ўрганиш натижалари юзасидан ариза муаллифига вилоят ҳокимлиги томонидан жавоб хати юборилган.

Таҳририятдан:

Сўнгги йилларда мамлакатимизда одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва амалда ҳал қилиш борасида ноёб тизим йўлга қўйилгач, табиийки, мурожаатлар сони ҳам кескин ошди. Бироқ бу жараёнда аҳолининг ҳуқуқий онгини, хусусан, мурожаат маданиятини юксалтириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир ўз манфаатини кўзлаб, кимдир бирёқлама, фақат ўз нуқтаи назарини баён этиб, масаланинг туб моҳиятини тушуниб-тушунмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилиш ҳолатлари учраб туради. Ҳар бир мурожаатни ўрганиш, таҳлил этиш, илдизига етиш учун эса вақт керак. Шу боис халқимиз бежиз "ўйнаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз", демайди. Бир ташкилотга хат битаётган одамда сўз масъулияти, фикр маданияти, маълумотлар учун жавобгарлик ҳисси бўлиши керак.

Юқоридаги ҳолатда мухтасар бўлса-да, мурожаатчининг арзини ҳам, мутасаддиларнинг ушбу шикоятни ўрганиш натижаларини ҳам тақдим этдик. Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига тан, бироқ бир ҳақиқат қойимки, қонун — сўзсиз устувор. Уни четлаб ўтишга ҳам, бузишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолат

ТАРҒИБОТ ВА ТАЪСИР ДОИРАСИ МУҲИМ МЕЗОН

...Тўрақўрғон тумани Чустқўприк маҳалласида истиқомат қилувчи Ю.А. исмли аёл энди 25 ёшни қарши олган. Икки ёшдан ошган фарзанди бор бу келин қайнонаси билан ҳеч келиша олмай (турмуш ўртоғи ҳам онасига бир сўз айтиб, оиласини ҳимоя қила олмагач), дунё кўзига тор кўрина бошлайди. Ёшлик ғўрлигиданми ё қизиққонлик қилибми, ўзи ва боласини катта йўлда келаётган "КамАЗ" русумли юк машинаси тагига ташлаб, жонига қасд қилмоқчи бўлади. Хайриятки, ҳайдовчининг ҳушёрлиги натижасида бахтсиз ҳодисанинг олди олиниб, икки инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди...



Энди бир ўйлаб кўринг, агар бу воқеа салбий якун топганида нима бўларди? Нечта инсон, қанча оила тақдири ўзгариб кетарди? Бундай саволларнинг охири йўқдек гўё...

Хўш, жамиятимизда шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 27 июль куни ўтган видеоселектор йиғилиши кўпчиликни ўйлантираётган мана шундай саволларга муҳим жавоб, амалга ошириладиган ишларга устувор дастуриламал бўлди. Унда жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга психологик ёрдам кўрсатиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳар бир суицидга "фавқулодда ҳолат" деб қараб, тезкор чоралар кўриш, бундай хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиш, жонга қасд қилишнинг катта гуноҳлигини таъсирчан усулларда тушунтириш зарурлиги таъкидланди.

Аввалроқ Тўрақўрғон туманида республикамизда илк маротаба "Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" иш бошлаган эди. Марказ мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган, оиласида зўравонликка дуч келган аёллар ва уларнинг фарзандларини қабул қилиб, уларга руҳий, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Шу боис ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган ёш аёлнинг ҳолати ҳам марказ фаолларини беэътибор қолдирмади. Ю.А. билан суҳбатлар ўтказилиб, воқеа ўрганилди. Аёл ҳаётдан тўйгани, қайнонаси билан бирга яшашни ҳам, ота уйига боришни ҳам хоҳламаслигини айтди. Ёш оила вакилига биринчи психологик ёрдам кўрсатилиб, ўз жонига қасд қилиш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунча берилди. Қолаверса, қайнона-келин можароси марказга жамоатчилик асосида жалб этилган мутахассислар, тажрибали отахон-онахонлар ҳамда ҳудуд профилактика инспектори иштирокида муҳокама қилинди. Қайнонага марказ ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари оиладаги вазиятни яхшилаш юзасидан огоҳлантириш бериб, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликка барҳам берилди. Айни пайтда ушбу хонадон марказ мутахассисларининг доимий эътиборида.

Туман хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган мазкур марказнинг ҳар бир нотинч оила билан бевосита ишлаш тартибини жорий этгани яхши самара бермоқда. Бунда нотинч оилалардаги фарзандлар тарбияси ва манфаатларини муҳофаза қилиш, оиладаги вазиятни барқарорлаштириш, қаровсиз юрган вояга етмаганлар ва хотин-қизларни назоратга олиш, уларни фойдали машғулотларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Исвахон маҳалласида жойлашган марказда психолог, руҳий кўникма, оналар ва болалар хоналари мавжуд бўлиб, унда Ю.А. каби ҳаётда турли муаммоларга дуч келган хотин-қизларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Бу ерда ишлар жамоатчилик асосида ва мунтазам равишда ташкил этилади, — дейди "Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" директори Комила Рўзиматова. — Туман хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими вакиллари, мавжуд 68 маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари ҳамда хотин-қизлар ва маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, нафақадаги 14 ҳуқуқшунос, таълим муассасаларида ишловчи 50 психолог, 20 тиббиёт ходими, шунингдек, имом-хатиблар ва отинойилар жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда. Асосий мақсадимиз нотинч оилалар, ўз жонига қасд қилишлар сонини камайтириш, ҳаётда қийинчиликларга дуч келаётган хотин-қизлар, айниқса, ёшларимизга далда бўлиш, уларга руҳий қўмак беришдан иборат.

Марказда ҳар бир кундан унумли ва мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, душанба куни марказ раҳбари қабули, сешанбада туман ҳокимининг сайёр қабули, чоршанбада қабул кунлари келиб тушган мурожаатларни ўрганиш куни, пайшанба — оила куни, жума — яраштириш куни ҳамда шанбада ҳамкор ташкилотлар билан муҳокама суҳбатлари ўтказилади. Бунда асосан марказга хотин-қизлар ва ёшлардан келиб тушаётган мурожаатларга ижобий ечим топиш, умид билан марказ остонасига қадам ранжида қилган ҳар бир фуқарога психологик ёрдам кўрсатиш, тиргак ва таянч бўлишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан икки ой муқаддам тажриба тариқасида ўз фаолиятини бошлаган марказга ўтган давр ичида 159 хотин-қиздан мурожаат келиб тушди. Турли низолар сабабли зиддиятга борган 91 оила аъзолари олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида яраштирилди. Айни пайтда эса 23 оила ярашиш арафасида турибди. Иш сўраб мурожаат қилган 20 аёлнинг бандлиги таъминланди. Коллежни тамомлаб, вақтинча ишсиз юрган 3 нафар қиз тикувчилик корхонасига ишга жойлаштирилди ва "устоз-шогирд" анъанаси асосида ҳунар ўрганишга бириктирилди.

Ахси қишлоғидаги компьютер технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежининг 2-босқичини тугатган Сарвиноз Жўрабоева ҳамда Исвахон маҳалласидаги 13-умумтаълим мактабининг 10-синфини тамомлаган Ҳаётхон Иномжонова ёзги таътил кунлари бесамар кетмаётганидан хурсанд. Улар айни кунларда қўли гул чевар Ҳимоятхон Ноиловадан тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

— Бир боланинг нобоп йўлга кириши жамиятга зиён етказса, тўғри йўлга тушиб, келажакда яхши инсон бўлиши фақат фойда келтиради, — дейди Ҳаётхон Иномжонова. — Шу боис меҳр-оқибат нафақат оилада, балки маҳаллада ҳам барқарор бўлса, яшаётган муҳитимиз яхшиланиб, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланади.

"Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" билан туман ички ишлар бўлими ходимларининг биргаликда аҳоли хонадонларида оилаларда соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштириш, турли можаро ва жанжалларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда тушунтириш ишлари ўтказиб келаётгани ҳам ўз самарасини бераётир. Бунинг натижасида оилаларда фарзандлар таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган унсурлар сезиларли камайиб, ёш ўғил-қизларнинг юриш-туришида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

— Туманимизда хотин-қизлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аёллар ва вояга етмаганлар иштирокида ўтказилаётган профилактик тадбирлар ҳамда тушунтириш ишларини самарали бўлишида "Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" билан ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, подполковник Умарали Нишонов. — Мавжуд 68 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига хизмат кўрсатувчи 36 нафар профилактика инспекторининг марказ мутахассислари билан биргаликда олиб борган саъй-ҳаракатлари ўз натижасини бераётир. Буни факт ва рақамлар мисолида оладиган бўлсак, туманда жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этилмади. Ҳуқуқбузарликлар ҳолати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 тага камайди. Қайд этиш жоиз, ўтган йилнинг шу даврида оилавий турмуш можаролари билан боғлиқ 3 жиноят содир этилган бўлса, оилаларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида келин-куёв, қайнона-келин, ака-укалар ўртасидаги келишмовчилар билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қўл урилмади.

Бир сўз билан айтганда, тумандаги "Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилавий ажримлар, ўз жонига қасд қилиш каби иллатларга барҳам бериш, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳар бир ёш қалбида оиласи ҳамда жамиятга керакли инсон эканлигига ишонч туйғусини уйғотиш, яқинлари ёнида тинч-тотув яшашини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН:
ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

"Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради".



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган халқаро конференцияда сўзлаган нутқи халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотган бўлса, Марказий Осиёда хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш муҳим қадамлардан бири бўлди. Натижада Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ва дўстона ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Айни шу жиҳат Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкор сифатидаги халқаро нуфузини юксалтиришнинг муҳим кафолатига айланди.

Дарҳақиқат, минтақада истиқомат қилувчи халқлар, хусусан, тожик ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик кеча пайдо бўлган жараён эмас, асрлар давомида қарор топган ўзаро муносабатлар ва дўстлик анъаналари бугунги кунда ҳам мамлакатларимиз ўртасида яқин қўшничилик ва дўстликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бир дарёдан сув ичадиган бу икки халқнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳам жуда ўхшаш. Мамлакатларимизни яқинлаштириш ва кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ҳамкорликдаги ишлардан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг кўп миллатли халқлари бирдек манфаатдор.

Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки давриданоқ амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларида яқин қўшничилик ва дўстликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда, барқарор тараққиёт суръатлари изчил давом этмоқда. Ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик, барча даражада мулоқот фаоллашди. Ўзаро қўллаб-қувватлаш ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари, умумий тариҳ, маънавий ва маданий қадриятларга асосланган алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йили мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида авиаташувлар, темир йўл қатнови тикланди. Самарқанд — Панжикент оралиғида халқаро автомобиль йўли очилди, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасидаги ўтказиш пунктлари фаолияти қайта йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 2018 йил 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлди. Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини осонлаштириш масалалари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома, Фуқароларнинг ўзаро қатнови тўғрисида битим, шунингдек, турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган жами 25дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ўзбек ва тожик — аслида икки тилда сўзлашувчи бир халқ. Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи қадим-қадимдан давом этиб келаётган икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари тарихида янги саҳифа очди. Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқди. Имзоланган ҳужжатлар халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга, ўзаро борди-келдиларга кенг имконият яратди. Халқларимиз ўз орзусини рўёбга чиқариш, мамлакатларимизни ривожлантириш ва миллат нуфузини янада юксалтиришга интилмоқда. Бу жиҳатлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик, аҳиллик, меҳр-оқибат ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўтган йили Тошкентда Тожикистон маданият кунлари, Душанбеда эса Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди. Ҳеч бир муболағасиз, айтиш мумкинки, бу тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик байрамига айланиб кетди. Анжуманларда ҳар икки халқ бир-бирларининг миллий санъатини нечоғли юксак қадрлаши яна бир бор намоён бўлди.

— Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистонда кўплаб соҳаларда улкан ўзгаришлар кузатилмоқда, — дейди Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Содиқ Имоми. — Тожикистон оммавий ахборот воситаларида юртингиз ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, турли соҳаларда эришилаётган ютуқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, ўзбек ва тожик халқларининг ўхшаш урф-одат ва санъати мамлакатларимиз ўртасида маданий мулоқот шаклларини топиш, ютуқлар билан алмашишга доим имкон берган.

Ўзбекистон ва Тожикистон анъанавий яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган муносабатларни изчил кенгайтириш ва амалий мазмун билан бойитишга интилмоқда, ҳамкорликнинг янги имкониятларини топмоқда, ўзаро ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Томонларнинг ҳамкорлик кўлами мунтазам кенгайиб, сифати ортмоқда. Буни статистик рақамлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Масалан, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси сўнгги бир йил ичида 85 фоизга ортди. Бу ўтган йилларга нисбатан солиштирганда жуда катта рақам. Яқин икки йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажмини ярим миллиард долларга чиқариш кўзда тутилмоқда. Савдо-иқтисодий муносабатларни яхшилаш мақсадида ўтган йилнинг апрелида Душанбеда илк марта Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди. У иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, бу Тожикистон матбуотида батафсил ёритилди.

Бу каби савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётган юқори савиядаги тадбирлар икки томон учун бирдек манфаатли кечмоқда.

Ўтган йилнинг 11-13 октябрь кунлари бўлиб ўтган Тожикистоннинг Ўзбекистондаги маданият кунларига бағишланган тадбирлар ҳали ёддан кўтарилгани йўқ. Тадбир доирасида "Замонавий Тожикистон" фотокўргазмаси, Тожикистон ҳақидаги китоблар тақдимоти, ушбу мамлакатда яратилган бадиий фильмлар намойиши ҳамда санъат ва маданият намояндалари концерти бўлиб ўтди. Ҳар икки мамлакат ўртасида китоблар алмашинуви, яъни тожикистонлик муаллифлар асарларини Самарқанд ва Бухорода, юртимиз ижод аҳлининг бадиий асарларини Душанбеда сотувини йўлга



қўйиш таклиф этилди. Тожикистон Маданият вазирлиги бу ташаббус, албатта, қўллаб-қувватланишига ишонч билдирди.

Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг бэкпэкерлар (British Backpacker Society) жамияти саргузашт туризми учун энг яхши давлатлар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатдан ҳаммаси бўлиб атиги 20 давлат ўрин олган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бор. Бу ҳам минтақа давлатларига қизиқувчи сайёҳлар бир вақтнинг ўзида ҳар уч мамлакатга келишини, натижада ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада яхшиланиши имконини беради. Ўтган йилнинг 12 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Тожикистон бизнес-форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси ҳузуридаги "Миллий туристик маҳсулотини илгари суриш маркази" ДУК ва Тожикистоннинг "Ориент-Адвентур", "Sky-tour" ҳамда "Роҳат-Тур" туроператорлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Томонлар миллий туристик хизматларни илгари суриш ва реклама соҳасида биргаликдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, икки мамлакат туристик истиқболи борасида ахборот алмашуви, миллий туристик брендларни шакллантириш ҳамда илгари суриш, халқаро туристик бозорларда Буюк ипак йўли бўйлаб трансчегара йўналишини биргаликда илгари суриш орқали туризм соҳасида ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда.

Тожикистон Республикаси ҳудуди нисбатан кичик (143 минг квадрат километр) бўлишига қарамай, туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади. Сайёҳлар ташриф буюрадиган масканлар кўплиги (ҳудудининг 93 фоизи тоғлардан иборат), табиий, тарихий ва маданий бойликларга, гўзал анъана ва урф-одатларга эга ҳудуд сифатида сайёҳлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлган.

Тожикистон Республикаси ғарб ва шимолий ғарбда Ўзбекистон билан, шимолда Қирғизистон, шарқда Хитой ва жанубда Афғонистон билан чегарадош. Аҳолиси 9 миллиондан зиёд. Пойтахт — Душанбе шаҳрида 600 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. 1991 йилнинг 9 сентябрь куни Тожикистон Олий Кенгаши сессиясида "Тожикистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги Баёнот ва Қарор қабул қилинган. Ҳар йили ушбу сана Тожикистон Республикаси Мустақиллик куни сифатида нишонланади.

Ўзбекистон билан Тожикистон манфаатлари ва тақдири муштарак, қувонч ва ташвишни биргаликда баҳам кўрадиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шериклардир. Ўзаро мақсадли ҳамкорлик учун имконият жуда ҳам катта. Шу боис мамлакатларимиз минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг сентябрь ойида Турсунзода шаҳрида Тожикистон мустақиллик кунига бағишланган тантанали тадбирларда Сурхондарё вилояти делегацияси иштирок этди. Ундан аввалроқ Турсунзода ижро ҳокимияти вакиллари Термизда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги тантаналарига бағишланган тадбирларда иштирок этгани ўзаро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон билан Тожикистоннинг серқирра ҳамкорлиги барча соҳаларда юксак самараларга бермоқда. Бундай ҳамкорлик икки мамлакат халқига ҳам фойда келтириб, улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Демак, Ўзбекистон ва Тожикистон миллий тараққиёт ва юксалиш йўлида бундан кейин ҳам изчил ҳамкорликни давом эттиради, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёркин, янги саҳифаларини очаверади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
халқаро шарҳловчи

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

"FACEBOOK" АҲОЛИНИ ИНТЕРНЕТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ МУМКИН



"Facebook" ижтимоий тармоғи мутасаддилари Ерга катта диапазонда Интернет билан таъминлаши мумкин бўлган сунъий йўлдош устида иш олиб бораётир, деб ёзади Newtimes.kz сайти.

Сунъий йўлдош номи — "Афина". Компания вакиллари у орқали сайёрамизнинг барча аҳолисини Интернет билан таъминлаши мумкинлигига ишонади.


— Айни пайтда ушбу лойиҳа ҳақида аниқ маълумот беролмасак-да, сунъий йўлдош келгуси авлод Интернетининг кенг кўламли инфраструктурасини ривожлантириши ва тармоқ етиб бормаган чекка қишлоқ ҳудудларини ҳам Интернет билан таъминлаш имконини бериши мумкин деган фикрдамиз, — дейди "Facebook" компанияси вакили журналистларга берган интервьюсида.

Facebook "Афина"ни 2019 йилда учиришни режалаштирмоқда. Космик нуқтаи назардан қаралса, бундай мураккаб иш қисқа муддатда амалга оширилган ҳисобланади. Бу эса компания анчадан бери сирли равишда ушбу лойиҳа устида иш олиб борганини англатади.

Фақат "Афина"нинг ўзи бутун Ер юзи аҳолисини Интернет билан таъминлаш имконига эга эмас. OneWeb ва SpaceX каби бошқа турдош компаниялар ҳам шу йилнинг февраль ойида Интернет учун сунъий йўлдошларини учирган. Улар минглаб кичик ҳажмдаги сунъий йўлдошларни сайёра атрофига учириш орқали Ернинг барча ҳудудини Интернет билан қамраб олишни мақсад қилган.

"Facebook" компаниясининг сунъий йўлдош учиришга қарор қилиши дунё ҳамжамияти учун ҳам янги, ҳам қизиқ воқеа бўлди. Чунки компания шу пайтгача аҳолини Интернет билан таъминлашни фақат учувчисиз ҳаво аппаратлари орқали тарқатишни режалаштирган эди.

МАҲСУЛОТ ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚЛИМИ?



Яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни аниқлай оладиган юпқа плёнканинг яратилгани овқатдан заҳарланишнинг олдини олишда катта ёрдам бериши мумкин. Ихтирочиларнинг айтишича, унинг кўплаб босқичларни бирлаштиргани овқат сифатини аниқлашда истеъмолчи учун анча қулайлик яратади.

Канаданинг МакМастер университети олимлари озиқ-овқат маҳсулоти сифатини бир сонияда аниқлаб берувчи бундай ихтиро устида 15 йил иш олиб боришди. Канадаликлар ўйлаб топган ихтиро рангсиз полиэтиленга ўхшайди, бироқ у фақат ўнлаб микроскопик ДНК ва биореагентлардан ташкил топган. Ушбу воситалар инсон организми учун мутлақо безарар. Лекин маҳсулотларга теккизилганида рангини ўзгартириши орқали унинг яроқсиз эканидан дарак беради. Ушбу синовни исталган озиқ-овқат маҳсулотида амалга ошириш, бундан ташқари, уни тиббиётда ярага инфекция тушган-тушмаганини текширишда ҳам қўллаш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Рангин дунё

"ТОР ҚУДУҒИ": АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ







Тоғдаги жилғалар дарёларга, дарёлар денгизларга, денгизлар океанларга бориб қўшилади. Океан суви ҳам бирор ерга қуйилиши мумкинми? АҚШнинг Орегон штатида ана шундай қудуқ мавжуд. У "Тор қудуғи" деб аталади.

Ушбу қудуқ атрофи қоялар билан ўралган. Ер юзидаги энг ғаройиб қудуқнинг кенглиги 5-6 метр бўлиб, Тинч океани суви кўтарилганида шу қудуққа келиб катта тезликда қуйилади. Кейин яна ортига қайтиб чиқади. Бундан томошабоп манзара пайдо бўлади. Юқорига отилган сув ўта майда сув томчиларига айланади, уларни шамол учиради ва ўзига хос туман ҳосил бўлади. Қуёш нурида эса бу ҳодиса янада чиройли кўринади.

Қудуқ денгиз сатҳидан 240 метр юқорида жойлашган. Тинч океани соҳилларида дам олиш учун келган кўп туристлар айнан мана шу "Тор қудуғи"ни кўриш учун Орегон штатига саёҳат қилишади. Ушбу қудуқ инсон қўли билан яратилмаган, албатта. Шунинг учун табиатнинг бу мўъжизаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. Катта тезликда келиб, тошларга урилувчи тўлқинлар қудуққа яқинлашишга имкон бермайди. Тошлар ҳам сирпанчиқ бўлиб, йиқилиб тушиш ва бир лаҳзада қудуққа тушиб кетиш ҳеч гап эмас. Лекин унга сувнинг қуйилиши ва қайтиб отилиши жуда ҳам гўзал манзарани ҳосил қилади.

Бу ҳодисани кузатиш учун энг маъқул вақт — сув кўтарилишидан бир соат олдин ва сув қайтганидан бир соат кейинги пайт. "Тор қудуғи" қанчалик гўзал кўриниши сув сатҳининг кўтарилиш даражаси ҳамда тўлқинларнинг ўлчами ва йўналишига боғлиқ. Бундан ташқари, қудуқ ўзининг бор тароватини қишда намоён этади. Чунки бу фаслда океан сатҳи жуда тез кўтарилади ва сув томчилари қудуқдан 10 метр масофагача етиб боради, холос. Қишда табиатнинг бу мўъжизасини янада яқинроқдан томоша қилиш имконияти туғилади. Бошқа фаслларда кучли шамол қудуққа яқинлашишга имкон бермайди.

Олимлар бу қудуқни тадқиқ қилишмаган. Аксарият дайвер (сув остига шўнғувчи мутахассис)ларнинг айтишича, қудуққа тушиш хавфли. У ерости сувлари оқимига қўшилиб кетган бўлиши мумкин. Унга "Тор" номи берилиши скандинавларнинг афсонаси билан боғлиқ. Кўриниб турибдики, қудуққа маҳаллий аҳоли эмас, Шотландия, Швеция ёки Голландиядан келган сайёҳ ном берган.

Афсонада айтилишича, икки севишган юрак доимо бир жойда учрашар экан. Улар орасидан нимадир ўтади-ю, қиз йигитни рашк қилиб ўлдириб қўяди. Момақалдироқ ва бўрон маъбуди Тор бу жиноятни кўради ва ғазабланади. Одамлар бундай хатони такрорламаслиги учун йигитнинг қонини оловли лавага айлантиради. Лава ердан тубсиз чуқурлик очади ҳамда ҳалок бўлган йигит танасини ер остига олиб кириб кетади. Ерда ўйилган чуқур эса очиқлигича қолади ва доимо сув билан тўлиб туради. Афсонага кўра, бу чуқурлик одамларга рашк қилиш ҳақиқий ва соф туйғуларни йўқ қилиши мумкинлигини эслатиб туриш учун қолдирилган экан. Ҳикоя қилаётганимиз — табиатнинг мўъжизаси эса "Тор қудуғи" номини олган.

Кўпчилик қудуқни Тинч океанининг бошқа соҳилларидаги каби йирик лава оқимлари ҳосил қилган, деб тахмин қилади. Чунки бир неча йил аввал бу ерда ҳаракатдаги вулқон бўлган. Бундан ташқари, айнан шу ердан Тинч оеанига уланувчи Каскад тоғ тизмаси ўтган. Унинг яқинида эса фаол ҳолатдаги Сент-Хеленс вулқони жойлашган.

Умуман олганда, Орегон штатининг табиати жуда гўзал. Уни "Кун ботиш штати" ҳам деб аташади. "Тор қудуғи" ҳам кун ботиш пайтида янада гўзаллашади. Қуёшнинг қизғиш нурлари қудуқдан отилиб чиқаётган сувни ҳам олов рангига бўяйди. Бу вақтда сув ўша афсонада айтилганидек, қизил лавага ўхшаб кетади.

М.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Миллий гурур

СУКУНАТДАГИ ОВОЗ

ШАХМАТ БЎЙИЧА ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ СИРОЖИДДИН ЗАЙНИДДИНОВ ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА БЕРГАН ВАЪДАСИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сўраб-суриштириб, уй манзилини топдим. Акаси Хайриддин Зайниддинов билан телефонда гаплашиб, кеч бўлса ҳам бораверaман, дея туриб олдим. Ахийри кўнди.

Унинг манзили томон йўл солдим. Негадир ҳаяжондаман. Катта-катта адабиётшунослар, илм аҳли билан суҳбатлашиб, ҳам бу ҳолга тушмаган эдим. Очиғини айтай: Сирожиддин яхши эшитмайди, гапира олмайди. Мен-да забонсиз кетяпман. Гоҳ-гоҳида миямдаги аллақайси саволларни ифодаламоқчи бўлгандай, бармоқларимни қимирлатиб қўяман. Тез-тез чемпионнинг акасига сим қоқаман: "укангиз Сирожиддин билан... ўртада бирор воситачи чақирсак бўларди-да...".

— Келаверинг, дадам бор, мен бор... Амаллаймиз!

Яна фикрларим чувалашиб кетади...

* * *

Уй эшигидан кирдим-у, чемпион билан юзлашдим. Қаршимда турган 28 ёшли бу йигит ўнлаб чемпионларни (улар орасида Осиё ва жаҳон чемпионлари ҳам бор!) тарбиялаб, учирма қилган. Бу ҳақида бировга гапирмайди. Ўзи жим, ишонаманки, гапиргандан ҳам айтмасди. Ҳа, у доимо шундай бўлган. Катта қалб билан эгиз туғилган.

Ичкари юрдик. Айлана стол қаршисида хушкайфият ўтирган Саврон ота билан ҳол сўрашдик. Стол устида ўнлаб диплом ва нишонлар... Уч кун аввал Англиядан олиб келинган кубок...

— Саврон амаки, бор гапни сиз айтинг, ўғлингиз Хайриддин ака айтсин, диплом ва совринларни гапиртирайлик. Майли, Сирожиддин ҳеч нима демасин. Аммо мақоламда ҳамма гапларни у ўз тилидан айтади, — дейман.

Улар ним табассум билан бош ирғашади...

* * *

Сирожиддин етти фарзандниng олтинчиси. Чақалоқлигида кучли шамоллаш асорати ва бошқа омиллар унинг эшитиш ва нутқ аъзоларига жиддий таъсир қилган. Муолажалар, дори-дармонлар тузата олмаган. Бора-бора гўдак 3 ёшида эшитиш қобилиятидан айрилган.

Саврон ака механик-муҳандис, аёли француз тили ўқитувчиси. Шахмат оиланинг асосий эрмаги эди. Сирожиддиннинг кучли хотирага эгалигини пайқаган ота ўғли билан жиддий шуғуллана бошлайди. Кейинчалик танишларининг маслаҳати билан Сирожиддинни Тошкентдаги 106-болалар махсус мактаб-интернатига олиб келади. Бўлажак чемпион дарсдан бўш пайтида 15-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Эргаш Мажидов, Георгий Борисенко, Рашид Зиятдинов каби шахмат усталари қўлида машғулотлар ўтказади.



Шахматга уқуви борлигини билган ушбу спорт мактаби маъмурияти Саврон отани ҳам ишга таклиф қилади. Ота ўғли таҳсил оладиган мактабда меҳнат қилди. У шахматда ўғлидан мағлуб бўлмагунича, ўргатишдан толмади.

Ёш шахматчи майдонга чиқаётган эди...

* * *

Сирожиддин 2004 йили Германияда ICSC (International committee of silent chess) таснифида ўсмирлар ўртасида жаҳондаги 28 давлатдан келган шахматчилар ўртасида илк бор "жаҳон чемпиони" деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ўша йили унга қўнғироқлар, табриклар, хатлар оқиб кела бошлайди. Аммо Сирожиддин уларнинг биттасини ҳозиргача кўз қорачиғидай сақлаб келади. Мусобақа олди уни очиб ўқийди-ю, куч олади.

Ўша мактубни ўқий бошлайман:

"Ўғлим Сирожиддин!

Сени Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритганингни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим. Агар одам ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан енгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз кўзлаган марраларига албатта етади. Сен эришган бу юксак ғалаба мана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онангга, истеъдодингни рўёбга чиқаришда беминнат хизмат қилаётган устоз-мураббийларингга миннатдорлик билдираман.

Сенга ҳаётда ва спортда бахт ва омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ".

Ҳа, бу Биринчи Президентимизнинг номаси эди. Ўшанда Ислом Каримов Сирожиддинга сўнгги русумдаги компьютер совға қилган эди.

Вақт бежиз ўтмади, фасллар шунчаки алмашмади. Йигитча 2005 йили Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ICSC таснифида катталар ўртасида 2-Осиё чемпионатида бронза, 2008 йили Швейцариянинг Санкт-Галлен шаҳрида ICSC таснифида ўсмирлар ўртасида яна бир бор олтин медални қўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Шу йилнинг ўзида Германиянинг Дрезден шаҳрида бўлиб ўтган 38-ФИДЕ Олимпиадасида ICSC жамоаси таркибида дона суриб, 66 фоизлик натижани қайд этди.

Ўша йили у давлатимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

* * *

Сирожиддин 2011 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига имтиёзли қабул қилинди ва намунали тамомлади. Ҳозирда эса шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий.

Ёш шахматчиларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришни мақсад қилган Сирожиддин Сергели туманида жойлашган "Спорт — Дўстлик — Ғалаба" шахмат мактабига асос солди. Бу даргоҳ доим ёшлар билан гавжум. Чунки жаҳон чемпиони ушбу мактабдан ўзидек кучли чемпионлар чиқишини ният қилган.

Бир неча марта Осиё ва жаҳон чемпионлари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар, Абдулбосит Шарифжонов, Ҳумоюн Бекмуродов, Одина Олимова, Умида Омонова каби ёш чемпионлар ушбу мактабда илк шахмат сабоқларини олишган.

* * *

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йили Олмазор туманига ташрифи чоғида Ўзбекистон карлар жамиятининг кар-соқовлар маданият марказида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар билан танишиб, маданият марказига иккита автобус, Карлар жамиятининг уч нафар аъзосига Тошкент шаҳридан уй совға қилган эди. Уй соҳиблари орасида Сирожиддиннинг ҳам борлиги кўпни қувонтирди.

Сирожиддинга бу учрашув қаттиқ таъсир қилган.

Президентимиз жамият аъзолари билан суҳбатлашар экан, Сирожиддиннинг ҳам мақсадлари билан қизиқди. Унинг Англияда заиф эшитувчилар ўртасида бўлиб ўтадиган шахмат Олимпиадасида қатнашишини эшитиб, шу жойнинг ўзида унга икки хонали уй совға қилди. Ўшанда шахмат устаси Шавкат Миромоновичга Англиядан ғалаба билан қайтишга ваъда берган эди.

Шундан бери у тиним билмай шуғулланди. Ишончни оқлашга қаттиқ бел боғлади...

* * *

Инглизлар юртига учиш маълум сабабларга кўра кечикиб қолди. Сирожиддин Олимпиаданинг иккинчи куни етиб борди. Афсуски, кеч қолгани учун уни биринчи кун очколаридан маҳрум қилишди.

Саврон амаки шу кунларни ҳаяжонсиз эслай олмайди:

— Ўша куни Сирожиддин Интернет орқали биринчи босқич натижаларидан хавотирда эканини айтганда, ўғлимдан-да тушкун эдим. "Ўзингни қўлга ол, қолган турларда яхшироқ ўйна, ахир Президентга ваъда бергансан", дея уни руҳлантирдим. Хайрият, у ўзини йўқотиб қўймади. Ҳар кунги ўйинларини Интернет орқали кузатиб турдик. Кетма-кет ғалаба қозона бошлади. Ҳатто у 60 ёшдан ошган Европа чемпионини ҳам аяб ўтирмади... (Шу жойда Сирожиддин столни муштлаб, асабий ҳолда хонадан чиқиб кетган қария ҳолатини имо-ишоралар билан тасвирлаб берди. Кулишдик).

Вазият шу даражада эдики, йўқотилган кичик очко ҳам Сирожиддинга қимматга тушар эди. Рақиблари унинг хатосини пойлар эди...

У ўшанда барча рақибидан устун келиб, 13 давлатдан қатнашаётган 30 нафар шахматчилар орасида биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблик кубогини кўтараётганида унинг хаёлидан нималар ўтди экан. Менимча, у ҳаммасидан олдин Ўзбекистон раҳбарига берган ваъдасини эслади.

Сўзининг устидан чиққанидан қувонди...

* * *

Сирожиддин самимий инсон ва яхши дўст эканини ҳис қилдим. Бугун чемпионнинг ўз оиласи, иш режаси, мақсадлари бор. Унинг тафаккури йиллар давомида оқ-қора катаклар, турфа фигуралар ичра тобланди, ўзи-да ҳаётда ютқизмади.

Унинг қўллари — ўн бармоқли тили менга кўплаб воқеаларни сўзлаб берди. Ишоратлар ичида чемпионнинг сўздан-да кенгроқ, тийранроқ туйғулари, ҳиссиётлари борлигини сездим.

Унинг дунёдан-да кенг дунёсига ҳавас қилдим...

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Олимлар картошканинг инсон организмига фойдаси ҳақида жуда кўп ёзишган. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётимизни усиз тасаввур қилиш қийин.

ҲАМ ОЗУҚА, ҲАМ ҚУВВАТ МАНБАИ



Картошка таркибида аскорбин кислотаси бўлиб, у инсон танаси учун ҳаётий аҳамиятга эга. 1 килограмм етилган картошкада 80-100 миллиграмм аскорбин кислотаси мавжуд. Бу маҳсулотда нафақат витаминлар, балки минераллар ҳам бор. Унинг таркибидаги минералларнинг 70 фоизга яқини калий тузидан иборат. У инсон организмидаги ортиқча суюқлик ва ош тузини ҳайдаб чиқаришда фойдали ҳисобланади. Шунингдек, калий тузи танада моддалар алмашинувини меъёрлаштиради.

Картошка сувидан гастрит, ошқозон ичак яраси каби касалликлар билан оғриган беморлар ҳолатини яхшилашда ҳам фойдаланилади. Қолаверса, бу сабзавот таркибида фосфор, йод, темир, натрий, калций, марганец, кобальт, никел, бор ва бошқа элементлар мавжуд.

Картошка крахмалга бой. Бу крахмал инсон танасида глюкозага айланади. Глюкоза оксидланиши натижасида эса инсонга куч бағишловчи энергия ажралиб чиқади.

Картошка оқсили барча ўсимлик оқсиллари орасида энг тўйинган, деб тан олинган: улар организмни аминокислота билан таъминлайди. Бу тананинг меъёрида фаолият юритишига хизмат қилади. Мутахассислар фикрича, бошқа ўсимлик таркибидаги аминокислота картошкадаги аминокислотанинг ўрнини босолмайди.

Шуни айтиш жоизки, картошка ўстирилаётган вақтда барги, гули, танаси ва ҳосилида инсон организмини заҳарлаши мумкин бўлган соланин моддаси тўпланади. (Бироқ, картошка керакли шароитда ўстирилган бўлса, ушбу модда умуман йиғилмайди). Картошка барча ўсимлик сингари қуёш нури таъсирида етилади. Шу боис ҳам унда солинин моддаси пайдо бўлади. (Бундай модда эски қулупнай мевасида ҳам тўпланишини эътиборга олиб, уни янги узилган вақтда истеъмол қилиш, узилганидан кўп вақт ўтган қулупнайни яхшилаб ювиш тавсия этилади).

Жанубий Америка — картошканинг ватани. У ерда картошканинг ёввойи ҳолатда ўсаётгани ҳам учрайди. Картошкани маданийлаштириш 9-7 минг йил аввал Боливия ҳудудида бошланган. Америка ҳинду қабилалари картошкадан нафақат таом сифатида фойдаланади, балки ҳаётга қайтарувчи неъмат сифатида ҳам эъзозлайди.

Картошкани пўстидан тозалаб (баъзида тозаланмай) қайнатилганида унинг барча фойдали хусусиятлари сақланиб қолади. У шунингдек, чўғда ёки буғда пиширилади. Ёғда қовурилган картошкани эса барчамиз севиб истеъмол қиламиз. Бироқ бунда унинг таркибидаги соғлиқ учун зарур моддалар хусусияти бир неча мартага камайиб кетади. Шунинг учун ҳам картошканинг фойдали хусусиятларини сақлаб қолиш учун уни пиширишнинг усулларини яхши билиш керак.

Уни оз миқдордаги сувда узоқ вақт қайнатиш тавсия этилади. Картошкани пиширишдан аввал кўп вақт сувда сақлаш унинг ниш уришига сабаб бўлади ва истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Шунингдек, картошкадан олинадиган крахмал кукун кўринишидаги малҳам ва бошқа дориларга қўшилади. Бундан ташқари, картошка косметикада юз ва қўллар учун ниқоб сифатида ҳам қўлланилади.

М. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Сифат ва назорат

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ РАҚОБАТБАРДОШМИ?

ЁКИ БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг асосий манбаларидан бири — сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришдан иборат. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, соҳалардаги ижобий ўзгаришлар ички ва жаҳон бозорига халқаро стандарт талабларига мос бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириб боришни талаб этмоқда.

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Бугунги истеъмолчининг талаби ҳам, истаги ҳам жадал ўсиб бормоқда. Бу талаб даражасида маҳсулот ишлаб чиқармаган ёки хизмат кўрсатмаган корхона, тадбиркор бозорда ўз ўрнини эгаллай олмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис сифатга эътибор бериш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар бир ишбилармоннинг касбий масъулияти, ҳаёт қоидасига айланиб бормоқда. Табиийки, сифатли маҳсулот барчага керак, унинг харидори ҳам кўп бўлади. Бугун экспорт қилувчи корхоналарга кўмаклашиш ва синов лабораториялар расмийлаштираётган хулосаларнинг халқаро даражада тан олинишига эришиш мақсадида лабораторияларда халқаро усулларни жорий этиш ишлари олиб борилаётир.

Мамлакатимизда аҳоли, унинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлодни етук инсон қилиб тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан республикамизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларни дунё стандарти талаби даражасига етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда маҳсулот сифати, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналаридаги синов лабораторияларини жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражада замонавий ускуналар билан жиҳозланишига эътибор қаратилаётир.

Бугунга келиб мамлакатимизнинг кўплаб корхоналарида халқаро стандартлар жорий этилмоқда. Шу жумладан, Жиззах вилоятидаги корхоналарда ҳам халқаро ISO 9001 "Сифатни бошқариш тизимлари" жорий этилаётгани маҳсулот сифатини яхшилаган ҳолда уларни жаҳон бозоридан муносиб жой олишига сабаб бўлмоқда. Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган "MINGYUAN SILU INDUSTRY" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган нақшли ойна маҳсулотига марказимиз томонидан мувофиқлик сертификати олиш ва ўлчов воситаларини давлат қиёслов кўригидан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди. Корхона фаолиятига "MANAGEMENT GROUP SERVIS" МЧЖ сертификатлаштириш идораси томонидан 2018 йил 23 мартда O'zDSt ISO 9001-2015 менежмент тизими бўйича №0005650 сонли мувофиқлик сертификати берилди. Табиийки, бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда. Бунга мамлакатимизнинг барча ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқараётган ва етиштираётган маҳсулотларнинг кўргазма ва ярмаркалари яққол мисол бўла олади.

Гарчи мавзу сифатга, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган экан, албатта, бугун ушбу соҳа раҳбар кадрларининг бошқарув маҳорати замонавийлик асосида бўлиши кўп масаланинг калити эканлигини қайд этиш зарур. Биз барча соҳада халқаро стандартларни жорий этиб, сифатнинг яхшиланишини доимий кун тартибимизга киритиб, таҳлил қилиб борсак, дунё ҳамжамиятида ўрнимиз ва нуфузимиз янада ошаверади.

Бу соҳада вилоятимизда фаолият кўрсатаётган барча саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар доим фаол бўлишга интилмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боришгина соғлом рақобат муҳитига эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги ҳар бир маҳсулот ўзининг сифатлилиги билан ном чиқариши бизнинг асосий мақсадимиз.

Зоҳир ЙЎЛДОШЕВ,
Шаҳзод МИРЗАЕВ,
"Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси сертификатлаштириш бўлими мутахассислари

ТУРФА ОЛАМ

"ЎТ ЎЧИРУВЧИ"-РОБОТ



Япониянинг Тохоку университети ва Хатиноҳдаги Миллий технология институти олимлари ҳавога кўтарила олувчи ўт ўчирувчи роботнинг хомаки нусхасини ишлаб чиқишди. Қурилма ҳавога босим остида чиқарилган сув ҳисобига кўтарилади, деб хабар беради "digitaltrends.com".

Робот ҳисоблагичлар, ичида сув юриши учун мўлжалланган узун шлангдан иборат. Унинг олд ва марказий қисмида найчалар бўлиб, сув ташқарига улар воситасида босим остида чиқади. Бунинг ҳисобига қурилма кичик баландликка кўтарила олади. Робот вазиятдан келиб чиқиб суюқликни бир нечта йўналишда пуркаши мумкин.

Роботнинг хомаки нусхаси ҳозирча бир неча метр узунликка эга, бироқ уни яна узайтириш мумкин. Сув найчаларга 0,7 мПа босим остида компрессор ёрдамида узатилади. Келгусида қурилма бошқарувга қулайроқ бўлиши ва каттароқ баландликка кўтарила олиши учун янада такомиллаштирилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар Кенгаши депутати Насиба Жамоловага онаси
Ойша ВАСИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Навбатчи: Умида УЗОҚОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.00. ЎзА якуни — 22.20
ISSN 2010-7714
123 36